

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“Миллий ғоя, маънавият асослари
ва ҳуқуқ таълими” кафедраси**

**5111600 – “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ
таълими” йўналиши 38-13 гуруҳ талабаси**

Қаршибоев Ғайрат Фахриддин ўғлининг

**МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИНГ ЖАМИЯТ
ВА ЁШЛАР ҲАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ
мавзусида ёзган**

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Ҳимоя учун қабул қилинди:
“Миллий ғоя, маънавият асослари
ва ҳуқуқ таълими”
кафедра мудири,
доцент С.Исмоилов
“ ” 2017 йил**

**Илмий раҳбар:
“Миллий ғоя, маънавият асослари
ва ҳуқуқ таълими” кафедраси
катта ўқитувчиси М. Олимова
“ ” 2017 йил**

Гулистон - 2017

**Мавзу: МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ВА
ЁШЛАР ҲАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ**

Р Е Ж А :

К И Р И Ш.....	3-6
I БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР	
1.1. Мустақиллик ва маънавият.....	7-14
1.2. Ислом Каримов Республика маънавият ва маърифат маркази ташкилотчиси.....	15-21
II БОБ. МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРБИЯ, ЖАМИЯТ ВА ЁШЛАР	
2.1. Жамият ҳаётига маънавий-маърифий ишларни тадбиқ қилишда маънавият, маърифат, мафкура тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги.....	22-32
2.2. Маънавий-маърифий ишларни жамият ва ёшлар ҳаётидаги ўрни.....	33-48
III БОБ. РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ-МАЪРИФАТ МАРКАЗИНИНГ ФАОЛИЯТИ	
3.1. Республика маънавият-маърифат марказини мақсади ва вазифалари.....	49-59
3.2. Марказ фаолиятининг асосий соҳа ва йўналишлари.....	60-69
ХУЛОСА.....	70-73
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	74-75
ИЛОВАЛАР.....	76-82

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Миллий ғоя ва ижтимоий мафқуранинг пойдевори, заминини жамиятнинг маънавий салоҳияти ташкил этади. Маънавият – ижтимоий-моддий ва табиий оламнинг инсон, жамият онгидаги ўзига хос ҳамда муайян тегишли шакллардаги инъикосидир. Албатта, жамиятнинг турли-туман гуруҳлари, табақалари, қатламлари воқеликни, ўз ижтимоий мавқелари, манфаатларидан келиб чиқиб, турлича инъикос эттирадилар. Ушбу ҳол уларнинг маънавий намояндалари, раҳнамоларнинг таълимотларида ўз ифодасини топади. Диний, илмий, фалсафий, иқтисодий, бадий, ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий ва бошқа қарашлар, тасаввурлар мазкур инъикоснинг ҳам тарихий, ҳам ҳозирги кундаги муайян кўринишларини ташкил қиладилар.

Биз шулардан фақат биттаси-маънавий-маърифий ишларни жамият ваёшлар ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятига эътиборни қаратмоқчимиз.

Ўзбекистонда янги барпо этиладиган жамият олдида ёки шу эскича кайфият ва дунёқарашни бекор қилиш вазифаси турар эди. Янги жамият барпо этиш шак- шубҳасиз, Ислом Каримов омили билан боғлиқдир. Бундай жамият барпо этишнинг концепцияси бирданига юзага келгани йўқ. Янги жамиятни қуриш назарияси ва амалиёти изчил равишда, тадрижий ҳолатда, миллий хусусиятларга ҳамда жаҳон амалиётидаги илғор тажрибага асосланган вазиятда пайдо бўлди. «Бугун биз янги давлат, янги жамият қураётган эканмиз,- дейди И.Каримов,- бу тизимда ижтимоий - сиёсий муносабатлар, одамларнинг онги ва тафаккури ҳам ўзига хос, шу билан бирга, мутлақо янгича маъно касб этиши шубҳасиз. Аввало, шахс билан давлат, инсон билан жамият муносабатлари батамом янгича мазмун ва шакл топиши, янги хусусиятлар, янги тамойилларга асосланиши керак¹».

¹ Каримов И. Миллий истиқлол мафқураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., 2000, 3-б.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон жамияти олдида турган энг катта вазифа барпо этилиши лозим бўлган давлатнинг ижтимоий - сиёсий, иқтисодий, маданий - маърифий қиёфасини аниқлаш эди. Пировард натижада бундай қиёфанинг чизгилари юзага келди. «Бизнинг бош стратегик мақсадимиз - бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишдир. Юртимизда яшайдиган барча инсонлар учун, миллати, тили ва динидан қатъи назар, муносиб ҳаёт шароити яратиш бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги каби кафолатланган турмуш даражаси ва эркинликларини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳиятини ифодалайди. Бу - халқимизнинг асрий анъаналарига, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятига, миллий қадриятларимизга содиқ қолган ҳолда, ривожланган давлатларнинг тажрибаларидан кқр-кқрона нусха кқчирмасдан, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўлини изчил давом эттириш демакдир»².

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистонда маънавий-маърифий ишларни жамият ва ёшлар ҳаётидаги ўрни миллий ўзликни англаш, бошқа томондан, жамиятнинг ғоявий-мафкуравий асосларини яратиш, учинчи томондан эса бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш асносида юз берди.

Маълумки мустабид тузум ўзини ғоявий жиҳатдан ҳар бир соҳада асоссиз эканлигини кўрсатди. Мустақилликка эришилгандан кейин эскича тафаккур тарзини ўзгартириш, жамият ҳаётини ҳар бир соҳада эркинлаштириш ислоҳотларни чуқурлаштириш керак эди. Бу борада айниқса хўжалик юритучи субъектларнинг мустақиллигини ошириш, маънавий-маърифий ишларни ривожлантириш, унинг барча соҳаларда ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш лозим бўлди.

Мустақилликнинг ўтган йиллари давомида бу борада катта ишлар бажарилди. Бироқ, ҳали бажарилиши лозим бўлган вазифалар кўп. «Бу - бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, ижтимоий соҳани инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам

² Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., 2000, 28-29-бб.

мафкура, ғоянинг муҳим шарты бўлган ижтимоий тенглик тамойилларини жорий этишдан иборат.

Маънавий соҳада ҳозирги кунгача эришилган ютуқларни мазмун моҳияти кенг маънода мавжуд соҳаларга тадбиқ қилиниши аҳамиятлидир. Фуқароларнинг кенг дунёқарашини шакллантиришнинг асоси бўлган маънавият, маърифат, мафқурани янада ривожлантириш долзарб масала эканлигини тақозо қилади¹.

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ислоҳотлар мафқуравий асосларини мустаҳкамлашни талаб этмоқда. Агар ҳар бир соҳадаги, жумладан, маънавий жабҳадаги ислоҳотлар ғоявий-мафқуравий жиҳатдан таъминланмас экан, жиддий миллий тикланиш тўғрисида фикр юритиш мушкулдир.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Мазкур битирув-малакавий ишнинг мақсади - Республика маънавият-марифат марказини жамиятимиз маънавий тараққиётидаги ўрнини очиб бериш бўлиб, ўз олдимизга қуйидаги вазифаларни қўйдик:

- Республика маънавият-марифат марказини мақсади ва маънавий соҳадаги фаолияти ҳақида тушунча бериш;

-Республика маънавият-марифат марказини ижтимоий-сиёсий аҳволни ҳар томонлама таҳлил қилиш;

- Республика маънавият-марифат марказининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш ва асосий ютуқларини таърифлаш;

- Республика маънавият-марифат марказининг халқимиз ҳаётидаги ўрнини очиб бериш ва бошқалар.

Ишдаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар.

Битирув-малакавий ишимизда Республика маънавият-марифат марказининг ташкил топиши, мақсади ва фаолияти, унинг аҳамияти ҳамда ривожини ёритишга ҳаракат қилдик. Республика маънавият-марифат

¹ «Халқ сўзи», 2002, 30 август.

марказининг тарихини таҳлил қилган ҳолда, марказнинг маънавий сиёсати ҳақида сўз юритамиз.

Мавзунинг қрганилиши даражаси. Мавзуни ёритишда Президент асарлари, Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа илмий ва оммавий адабиётлардан фойдаландик. Адабиётлар илова қилинмоқда.

Адабиётлар орасида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти асарлари катта аҳамиятга эгадир. Жумладан, И.Каримовнинг “Юксак маънавият- енгилмас куч” Т.-2008, «Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз» Т.-1999 й, «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» Т.-«Шарқ» 1998 й, «Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир»-Фидокор газетаси муҳбири саволларига жавоблар. Т.-2000 й, «Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин». Ислом Каримовнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири журналларига жавоблар. 1998 й, 2-сон ва бошқа қатор асарларидан фойдаландик.

Республика маънавият ва маърифат маркази фаолиятига бағишланган бир қатор илмий мақолалар, ИНТЕРНЕТ сайтларидаги хабарлар мавжуддир.

Ишнинг амалий аҳамияти. Мазкур битирув-малакавий ишимизда келтирилган маълумотлардан «Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш методикаси» Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар», «Маънавият асослари», «Ўзбекистон тарихи», «Маданиятшунослик фанлардан маъруза, реферат, курс ишлари ёзишда, семинар машғулотларига тайёргарлик ккришда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари касб-хунар коллежлари, академик лицей, ўрта мактаблардаги ижтимоий фанлардан сабоқ бераётган ўқитувчиларга ёрдамчи материал сифатида фойдаланиш учун тавсия этиш мумкин.

БМИ тузилиши. Мазкур битирув-малакавий ишимиз Кириш, 3 боб, 6 фасл, Хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Ў БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР

1.1. Мустақиллик ва маънавият.

Мустақиллик халқимизнинг бой маданияти, маънавиятини тиклашга замин яратди. У туфайли халқимизда маънавий, руҳий уйғониш юз берди. Маълумки, Ўзбек халқининг маънавий маданияти ранг-баранг ва жуда қадимийдир. Лекин Ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданиятининг ривожланиши бир текис кечган эмас. Унда бир неча бор юксак чўқиларга кўтарилиш билан бирга аксинча тушкунлик даври ҳам бўлган. Мустақиллик буларнинг ҳаммасига чек қўймоқда. Бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий соҳаларида туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, халқимизнинг миллий онги, миллий ғурури, миллий ифтихори қсиб, маънавий дунёси кундан – кунга бойиб бормоқда. Бу жараён туфайли мустақил давлатимизнинг маънавий асосини янада мустаҳкамлашга пойдевор яратилмоқда.

Жамият маънавияти мамлакат барқарорлиги ва тараққиётининг муҳим шарти ва кафолатидир¹. Маънавият «тақдирнинг эҳсони», инсоннинг туғма хусусияти эмас, балки у инсонга хос хусусият бўлиб, унинг жамиятдаги ҳаётий жараёнида шаклланади. Социлогик тадқиқотлар натижасидан маълумки, инсонда маънавиятни эгаллашга, ривожлантиришга имкон берадиган туғма истеъдод ва имкониятлар мавжуд, булар тарбия, меҳнат, ҳаёт тажрибалари, жамоатчилик билан алоқалар асосида сайқал топади, ниҳоят, эътиқодга, руҳий моҳиятга айланади ва инсон онгида қрнашади.

Демак, маънавият ўз моддий куртакларини ҳаёт тажрибаси, авлодлар мероси, билим, ахлоқ ва одоб, ижодий тафаккурдан олади. Ниҳоят, маънавият шахснинг ҳаёти ва ижтимоий фаолиятига мақсад ва йўналиш берувчи «руҳий замин»дир.

¹ Ўзбекистон: 13 йил мустақил тараққиёти йўлида. Т., 2004, 23-б.

Янги Ўзбекистоннинг сиёсий меъмори, юртбошимиз айтганларидек, маънавият фақат инсонга хос бўлган ички руҳий замин бўлмай, балки жамият, давлат, миллат, шахс, тараққиёт ва камолотнинг асосий омили ҳамдир. Бинобарин инсоният жамияти тараққиёти тақдирини маънавий жиҳатдан етук инсонлар ҳал қилади.

Маънавият кўп қиррали фалсафий тушунчадир. Уни қлчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди. У инсон учун бир олам. Маънавият инсонлар томонидан яратилган маънавий бойликларни, ижтимоий онгнинг илмий, бадий, ҳуқуқий, ахлоқий, фалсафий, диний, ниҳоят жамият тараққиёти ҳақида ғоялар қарашлар мажмуасини ҳам ўз ичига олади. Таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган барча маънавий омиллар аввало инсоннинг ижодий тафаккурида шаклланади, сўнгра ижтимоий ҳаётга йўналиш олади. Пировард натижасида, маънавият инсонларни ҳамкорликка, ҳамжиҳатликка, аҳилликка, мулоқатга чорлайди. Бир сўз билан айтганда, у инсонга барқарорлик бағишлайди ва унинг иродасини мустаҳкамлайди. Маънавият шахс ва жамият фаолиятида турли кўринишда намоён бўлади. Жумладан, маънавият маданият, маънавий маърифат, маънавий камолот, маънавий мерос, маънавий эҳтиёж, маънавий соғломлик ва бошқалар...

Маънавий маданият халқ оммаси амалий фаолиятининг маҳсулидир. Зеро, у инсонлар томонидан яратилган маънавий бойликларни, ижтимоий онгнинг илмий, бадий, ҳуқуқий, диний, ахлоқий, фалсафий ҳамда тафаккурнинг барча шакллари ва дунёқарашнинг соҳасини, жамиятдаги ғоялар ва таълимотларнинг, бадий асарлар, эстетик қарашларни, бир сўз билан айтганда, «маънавий ишлаб чиқаришни» ўз ичига олади. Маънавий маданиятни яратиш, ривожлантириш ва ўзлаштириш жараёнида жамият тараққий этади, меҳнат унумдорлиги ошади, ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланади, руҳий оламни муҳим замини бўлган одоб ва ахлоқ, диди ва фаросати, садоқати, меҳр-муруввати, Ватанига бўлган муҳаббати шаклланади. «Маънавият-деган эди И.А.Каримов - инсоннинг, халўнинг,

жамиятнинг, давлатнинг куч - қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт саодат бўлмайди»¹.

Мустақил тараққиётимизни мустаҳкамлайдиган омиллардан яна бири шахс ва жамиятнинг маънавий камолотидир. Бинобарин, шахс ва жамиятнинг маънавий камолотини юксалтириш, бугунги куннинг муҳим назарий муаммосидир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, шахс маънавий камолоти аввало, жамият аъзолари ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар, сўнгра жамият ҳаётидаги шароитлар ва имкониятлар замини асосида шаклланади.

Маънавий камолотнинг юксалиши мамлакатимизда амалга ошириладиган иқтисодий – сиёсий ислохотлар билан боғлиқдир, ислохотда таъкидлаган барча мақсадлар омманинг онгига сингмаса, унинг амалий фаолиятига дастури амал бўлмаса, ниҳоят ислохотни ниҳоясига етказишга имкон бўлмаса, ислохот ўз натижаларини бермайди. Хуллас, англаган онгли фаолият асосида амалга ошириладиган ислохотлар омманинг маънавий камолотининг юксалиши учун янги имкониятлар яратиб беради.

Шунингдек, маънавий камолотнинг юксалиши шаклланаётган миллий қадриятлар даражаси билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки, миллий қадриятлар-миллат маънавиятининг таркибий қисмидир.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Маънавият ва иқтисодий ислохот бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб ривожланиб боради. Миллий камолот йўли мана шу»¹, деб алоҳида қайд этган эди.

Маънавий камолот юксалишда миллий қадриятлар, анъаналаримиз қаторида ислом илми ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унинг афзаллик томонларидан бири шундаки, унинг ғоялари, инсоннинг ички дунёси, маънавиятини шакллантиришга қаратилгандир. Шахс ва жамият маънавий камолотининг янада юксалишида таълим-тарбиянинг аҳамияти ҳам беқиёсдир. Маънавият халқнинг, шахснинг ахлоқи, одоби бурч ва маъсулият

¹ Отамуродов С. ва б. Маънавият асослари. Т., 1999, 7-б.

¹ Каримов И.А. «Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». Т.: 1993, 57-б.

туйғуси, илмий амалий меҳнати ва ижод манбаси, истеъдод ва қобилияти, дунёвий иймони, эътиқоди, виждони, дунёқарашлари, мафкуравий қарашлари тизимининг яхлит бирлигидир. Маънавий камолот шахс учун ҳам, жамият учун ҳам ҳаво ва сувдек зарурдир.

Ўзбекистонда амалга оширилган фавқулотда кенг қамраб олинган ишлар ҳозирги замон жаҳон цивилизацияси билан муштарак эканлиги алоҳида қайд этилиши лозим. Ўзбекистонда миллий, регионал ва умумпланетар муқаддасликлар доирасида изчил ва тадрижий кечаётган ялпи ўзгаришларини ўз вақтида ўрганиш, амалга оширилаётган ижтимоий – сиёсий жараёнларни баҳолаш, таҳлил этиш ҳамда илмий – назарий умумлашмалар қилиш асосида бу жараёнларни мақсадли бошқариш Ўзбекистондаги янгиланишлар ривожини ўзига хос кечаётганлигини ифода этади. Ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётни умуминсоний мақсадли ва миллий тамойиллар уйғунлиги руҳида ривожлантириш, сиёсий плюрализмга шарт-шароитлар яратиш, либерализм муҳитини ҳар томонлама кенгайтиришга даъват этиш орқали мамлакатимизда ялпи янгиланишлар жараёнлари бошланишига назарий пойдевор қўйилди.

Давлат тузуми, жамият қурилиши ва шахс маънавияти дунёсини тубдан ислоҳ қилиш янгиланаётган давлат, ўзгараётган жамият ва комил шахсни яратиш имконини берди. Давлат, жамият ва шахсни янгилаш жараёнлари, бу жараёнларни мақсадли бошқариш нечоғли ақлий шижоат, доно сиёсат ҳамда матонатни талаб этаётганлигига амин бўлиб турибмиз.

Зеро бу бошқарув сермашаққат ва мураккаб кечувчи ижтимоий-сиёсий воқеалар, мафкуравий таъсир ва тазйиқлар, махсус юзага келтирилган миллий-ижтимоий тангликлар ҳолатлари шароитида амалга оширилди. Бу бевосита мамлакат раҳбарининг ўзига хос ноёб истеъдодидан, фаол сиёсий интеллектуал салоҳиятидан, Ислом Абдуғаниевич Каримов шахсининг фавқулотда феномен эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон ялпи янгиланишлар жараёнини икки ўзаро узвий боғланган йўналишларда амалга оширишга киришди. Биринчиси, мамлакатнинг ички

дунёсида, яъни иқтисодиёт, маънавий сиеват, турмуш тарзида, халк характери ва менталитетида режавий асосларда амалга оширилаётган янгиликлар мажмуидан иборат бўлса, иккинчи йўналиш, халқаро ижтимоий муҳит манзарасини такомиллаштириш, яъни қарама-қарши кучлар ўртасидаги зиддиятларни барқарорлаштириш, коллизия муҳотида муроа, ҳамкорлик муносабатлари, тинчлик маданиятига ўтиш, миллатлараро, давлатлараро, конфессиялараро толерантлик муносабатларини чуқурлаштириш, инсониятга умумий хавф туғдирувчи терроризм, нарқобизнес, экстремизмга қарши халқаро ташкилот тузилмаларига асос солиш ва бошқа фаолиятлар мажмуидан ташкил топади.

Жамиятда рқй бераётган маънавий юксалиш, инсоннинг ахлоқий, ғоявий, сиевий камолоти мамлакатимизда амалга оширилаётган миллий уйғониш жараёнлари билан узвий алоқадорликдадир. Инсоннинг маънавий ахлоқий камолоти ниҳоятда кенг, кўп қиррали, мазмун-моҳият жиҳатидан чуқур бўлиб, ўз ичига жуда кўплаб соҳаларни қамраб олади. Инсон маънавий камолотининг энг муҳим кўриниши ва зарур шароитларидан бу сиевий маданиятининг қсиб боришидир. Агар ҳар бир миллат, ҳар бир инсонда юксак сиевий онг, сиевий билим ва маданият, сиевий зийраклик бўлмаса, мустақиллик барқарор бўла олмайди.

Мустақиллигимиз олдида турган муаммолар, миллий истиқлолимизнинг назарий масалаларни юзаки билишни, уларнинг туб моҳиятига тушунмаслик ва сўзда шунчалик айтишни сиевий онглилик ҳам сиевий маданият ҳам деб бўлмайди. Назарий билимлар мустақилликнинг амалий масалалари билан боғланиб, ҳар бир инсоннинг иймон эътиқодига айлангандагина қудратли маънавий кучга айланади.

Етук, маънавий руҳий барқамол, миллатпарвар, халқпарвар кишилар, Ватани учун хизмат қилишни ўзи учун олий мақсад деб биладиган одамлар ўз шахсий мақсад ва манфаатларини умумхалқ, давлат манфаатларидан устун ққймайди, бебошлик ва итоатсизлик, ижтимоий, сиевий вазиятни кескинлаштиришнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш олиб боради.

Жамият қабул қилган қонунларни ҳурмат қилиш, унга асосланиб иш ққриш, ҳуқуқий қоидалар ва мезонларнинг бузилишига йўл ққймаслик маънавий камолот, ахлоқий поклик белгисидир. Инсонда ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши, унинг ҳуқуқий билими ва савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки қша қонунларнинг барча соҳаларида тқла ижро этилиши билан белгиланади.

Маънавий етук комил инсон миллат, Ватан учун қайғурадиган, миллий онгги ривожланган шахсдир. Миллий онг-миллий манфаатларни ўзида ифодалаган маънавиятдир. Миллий онг-миллий маданиятнинг таркибий қисмидир. Миллий онг-миллий манфаатнинг чқўқисидир. Миллий онг-миллий маданиятнинг миллий манфаат билан миллат истиқболи билан, тараққиёт билан боғлиқ муаммоларнинг инсон онгидаги ифодасидир.

Миллий онгнинг шаклланиши анча мураккаб жараён. У миллий маданият заминида шаклланиши, ривожланиши мумкин, Миллий маданият миллий онгнинг асосий маънавий негизини ташкил этади. Миллий маданият қанчалик юксак бўлса, миллий онгнинг шаклланиши учун имкониятлар шу қадар кенг бўлади. Миллий маданият ва миллий онг айнан тенг эмас. Миллий маданият мазмун жиҳатидан анча кенг бўлиб, миллат-маънавий камолотининг барча томонларининг ўз ичига олади. Миллий онг эса, миллий маданиятнинг маълум маънавий камолотининг барча томонларини ўз ичига даврдаги ижтимоий онгда акс этган шаклидир. Миллий маданиятнинг таркибий қисми бўлган миллий онг, ўз навбатида миллий маданият тараққиётига катта таъсир ққрсатади. Миллий онгнинг ривожланишини, миллий маданиятни тқлароқ тушунишга, унинг истиқболи билан боғлиқ бўлган, янги имкониятларни топишга имкон беради.

Агар халқларда юксак миллий онг бўлмаса, миллий манфаатларни англаш, ҳимоя қилиш қийинлашади. Миллий онгги етарли даражада ривожланмаган, миллий бирлик, миллий бирдамлик ва миллий ҳамкорлик туйғулари заиф бўлган халқларда, ижтимоий иқтисодий, сиёсий тараққиёт жуда сустлашиб кетади.

Миллий маданиятнинг бирлик ва ҳамкорликка, миллий тарихни холисона англашга, миллий тил ва маданиятни қадрлашга, миллий одоб, ахлоқ ва бошқа маънавий хислатларини сақлашга хизмат қилувчи томонлари-миллий онгнинг ўзагини ташкил этади.

Миллий онгимиз тқхтовсиз қсиб бормаса, мустақиллигимиз мустаҳкам бўлмайди. Маънавий баркамол инсон ўзига лойиқ кқрмаган бирон бир ножқя ишни, ўзгаларга асло раво кқрмайди, ҳеч бир кишига жабру-зулмни хоҳламайди, жонли нарсаларга озор бермайди. Ақл-идрок асосида ҳаракат қилади. Жабру-зулм ила бошқаларнинг дилига озор берган кишилардан нафратланади. Ватанига, халқи ва миллатига тқла содиқ, садоқатли бўлиш ҳам маданиятлилик, маънавий баркамоллик, ахлоқий покликнинг белгиларидан бўлиб ҳисобланади.

Бировлардан кқрган мурувват ва яхшилиқни унутмаслик ҳам инсонни улуғлайдиган фазилатлардан бўлиб ҳисобланади. Яхшилиқка яхшилиқ билан жавоб қайтариш энг катта бурчимиздир. Яхшилиқ, дқстлик, биродарликни, қавму-қариндошлиқни кучайтиради, меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди. Жисмоний соғлом, бақувват, лекин маънавий қашшоқ бўлган кишилар, инсонлар учун фойдадан кқра кўпроқ зарар келтирадилар. Айрим ҳолларда жисмонан соғлом, лекин маънавияти заиф бўлган ёшлар жиноятчилик йўлига қтиб кетаётганлиги ҳам сир эмас.

Инсоннинг маънавий камолотида жисмоний тарбиядан ташқари ақлий ва гўзаллик тарбиясининг, шунингдек, ахлоқий, виждоний, руҳий тарбиянинг ҳам аҳамияти шак-шубҳасиздир.

Инсоф ва адолат туйғуси, имон ва ҳалоллик, хушмуомалалик ва хушҳулқилик булар инсон маънавий баркамоллигининг намоён бўлиш шакллари дидир. Шарқона урф-одат ва маданиятда одамлар хушҳулқли, ширин сўз, олижаноб бўлишига даъват этади. Одамлар халқимиз урф-одатларига қатъий амал қилиб, оилаларида, жамиятда муомалали, меҳрибон, олижаноб бўлсалар жуда катта олқишга сазовор бўладилар. Қуръони-Каримда Оллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга қарата: ”Оллоҳ томонидан

бўлган бир марҳамат сабабли уларга (саҳобаларингизга) юмшоқ сўзли бўлдингиз. Агар ққпол, каттиқ дил бўлганингизда эди, аллбатта (улар) атрофингиздан тарқалиб кетган бўлар эдилар” дейди. (“Ол-и Имрон” сураси,159-оят).

Биз ҳозир миллий тикланиш даврида яшамоқдамиз. Миллий уйғониш асосан маънавият соҳасида, миллий онг, инсоннинг маънавий, ахлоқий камолатида юз беради. Маънавий камолот фақат қтмишни тқла тушуниб олишгагина эмас, балки келажакка интилишдан ҳам иборатдир, «Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатидан етук одамлар, халқлар техникавий билим, мураккаб техналогияни эгаллаш қобилияти, маънавий баркамоллик, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қанотидир»¹.

¹ www.press-service.uz

1.2. Ислом Каримов Республика маънавият ва маърифат маркази ташкилотчиси

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги инсоният тарихида янги даврни бошлаб берди. Тоталитаризм, маъмурий буйруқбозлик ва зқравонлик ғояларига таянган социализм барбод бўлди. Миллатчилик, ирқчилик, фашизм ғояларининг давоми бўлган коммунизм мафкураси инқирозга учраб, мустамлакачиликнинг сўнгги кўрғонлари кулади. Башарият тақдирида инсон ва жамиятни озод этишнинг янги босқичи, ялпи янгиланишлар жараёни амал қила бошлади. Бундай тарихий ўзгаришлар дунё иқтисодий, маънавий ҳамда ижтимоий-сиёсий жараёнларининг илгари мисли кқрилмаган кенг миқёсли янгиланишлар палласига кирганлигининг равшан ифодасидир.

Умумжаҳон янгиланишлар жараёни аввал муайян мамлакат, кейин бир гуруҳ давлатлар, айна чоқда эса барча мамлакатлар тақдирига, жамиятлар ва жамоалар, алоҳида инсонлар ҳаётида бевосита ва билвосита таъсир кқрсата бошлади. Дунё янгиланишлари жараёнига ҳар бир давлат ўз тараққиёт кқлами, илмий-маърифий ва маънавий савияси, камолоти даражасидан келиб чиққан ҳолда кириша бошлади.

Ўзбекистон умумпланетар ўзгаришлар жараёнлари оқимида ўзининг бетакрор ижтимоий-сиёсий, маънавий янгиланишлари дастурига эга бўлган мамлакат сифатида ўзига хос ва ўзига мос мавқе эгаллади. Янги цивилизация ва инсоният тараққиётига кучли таъсир ўтказишига қодир бўлган давлат сифатида ўзининг кенг имкониятларини намоён эта бошлади.

Ўзбекистонда ялпи янгиланишлар жараёни мамлакатимиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг «Қонунлар ўзгаришлар жараёнларидан аввал юриши керак», деган доно методологик кқрсатмаси асосида амалга оширила бошланди.

Даставвал, Ўзбекистон мустақиллигининг ҳуқуқий-меъёрий асослари («Ўзбекистон – келажаги буюк давлат», 1993, «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура», 1996.) яратилди. Мамлакатнинг

истиқлол давридаги янги Конституцияси қабул қилинди. Миллий давлат тизими анъанавий давлатчилик ғоялари ва жаҳон давлатчилиги илғор тажрибаларининг синтези шаклида барпо этилди. Бошқарувда янги усуллар қарор топди. Маҳаллий давлат ҳокимияти тизимида туб ўзгаришлар ясалди. Нодавлат тузилмалар, жамоат ташкилотлари ва ўз-ўзини бошқариш органларининг ваколатлари кенгайтирилди.

Кўппартиявийлик тизими таркиб топишига («Ватан саждагоҳ қаби муқаддасдир», 1996.) кенг шароит яратилди. Жамият ҳаётида соғлом демократик жараёнлар муҳити вужудга келди. Инсон ҳақ-ҳақуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг («Янгича фикрлаш ва яшаш давр талаби») ҳуқуқий асослари вужудга келмоқда. суд ҳокимияти мустақиллик моҳияти ва ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ тамойиллари негизида тубдан ислоҳ қилинмоқда. («Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий қафолати», 1993.)

Миллатлараро тотувликни таъминлаш чоралари қрилди. Миллий ҳавфсизлик концепцияси ишлаб чиқилди. Мамлакат ҳудудий яхлитлигини ва тинчлигини таъминлашга қодир бўлган замонавий Қуролли кучлар тизими яратилди.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг («Ўзбекистон. Бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли») асосий тамойиллари доирасида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши қилиб белгиланди.

Иқтисодий ислоҳатларнинг «Ўзбек модели» («Ўзбекистон. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида») вужудга келди. Макроиқтисодиётни барқарорлаштириш, пул-кредит сиёсати тамойиллари ишлаб чиқилди. Мулкчилик, мулкка эгалик тушунчалари шаклланди. Мулкдорлар табақаси вужудга келмоқда. Хусусий мулкка эгаликнинг янги тизими барпо этилди.

Ўзбекистонда маънавий-руҳий покланиш, миллий қадриятларни тиклаш, ворислик анъаналарига садоқатли авлодни тарбиялаш ва амалиётга жорий этиш концепцияси ишлаб чиқилди. Мамлакатимизни озод ва обод

жамиятга айлантирувчи, ватан равнақини маънавий таъсинлаб берувчи миллий истиқлол ғояси шаклланди.

Миллий истиқлол моҳияти ва мустақиллик ғояларини («Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», 1993; «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура», 1996.) англашда тарихий шахслар, буюк алломалар ва саркардалар, хусусан, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Ал-Мотурудий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа улуғ аждодларимиз ҳақидаги тарихий ҳақиқатнинг рқёбга чиқиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Миллий урф-одатлар, қадриятлар ва анъаналарнинг тикланиши, («Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар», 1992; «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз», 2000.) янги жамият қуришда маънавий-маърифий тарғибот ва таълим-тарбиянинг роли оширилди. Бу соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнлари изчил амалга оширилмоқда.

Мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли ва фаол субъектига айланди. («Мақсадимиз – тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик», 1995; «Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида», 1998.) У Мустақил Давлатлар ҳамдқстлигида ўзига хос ва ўзига мос ўринга эга бўлиб, минтақа тараққиётида муҳим ўрин тута бошлади. Марказий осие давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик ва қардошлик муносабатларини янада ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ишлаб чиқилди.

Бундай кенг кқламдаги ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёни чиқур асосланган илмий-назарий таҳлилни, назарий умумлашмалар, хулосалар чиқаришни, амалий тавсиялар ишлаб чиқишни ижтимоий-гуманитар фанлар олдига долзарб муаммо сифатида ққймоқда.

Дарҳақиқат, ялпи ўзгаришлар жараёнларининг пировард натижасида ижтимоий онг мазмунида ўзгаришлар юз бера бошлади.

Президент Ислон Каримовнинг жамиятни тубдан янгилаш концепциясини инсоният тарихининг турли даврларида, турли

мамлакатларида юз берган туб ўзгаришлар, кескин бурилишлар ҳодисасига қиёслаш мумкин.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистонда жамиятни тубдан янгилаш назарияси ва кўп қиррали ислохотлар концепциясини яратиши жиҳатидан Америка Ққшма Штатлари давлатининг асосчиси ва унинг биринчи Президенти Жорж Вашингтон, Америка иқтисодий тараққиётига жуда катта илмий-назарий ва амалий таъсир кўрсатган ислохотчи, президент Авраам Линкольн, жамиятни эркинлаштириш ва демократия назариясининг асосчиларидан бири, президент Томас Жефферсон, Индонезияда мустамлакачиликка қарши курашган, миллий бирлик ва мамлакат тараққиётининг турли босқичлари тўғрисида қатор асарлар ёзган Аҳмад Сукарнолар билан бир қаторда туради. Францияда Шарль де Голль, Ҳиндистонда Жавоҳарлоъл Неру, Маҳатма Ганди, Туркияда Мустафо Камол Отатурк, Мисрда Жамол Абдул Носир ва бошқалар ўзининг сиёсий фаолияти, қириланишлар концепциясини ишлаб чиқиши билан жаҳон тараққиётига қанчалик кучли таъсир кўрсатган бўлса, Президент Ислом Каримовнинг давлат сиёсатини инсон манфаатларига хизмат қилдириш, тинчлик маданиятини қарор топдириш, ижтимоий ҳамкорлик доираларини кенгайтириш борасидаги қарашлари, амалий концепциялари дунё ижтимоий-сиёсий жарайёнларининг инсонийлашуви тенденцияларини мустаҳкамлашди шунчалик муҳим ҳисса бўлиб ққшилмоқда. Айни пайтда жаҳон силоҳчилик тажрибаси «Ўзбек модели» пайдо бўлганлигини тан олмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ялпи янгилинишлар бевосита Президент Ислом Каримов асарларида нутқ ва маърузаларида, суҳбат ва интервьюларида илмий-назарий жиҳатдан чуқур таҳлил этилган. Демак, туб ислохотлар моҳиятини ҳар томонлама қрганадиган, уни назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этадиган ҳар бир киши Ислом Каримов асарларига мурожаат этиши, уни жиддий равишда мутоалаа этиши зарур.

Зеро, Президент Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан яратилган янгилинишлар концепцияси кеча, бегун ва эртадан иборат катта воқеликни

яхлит идро этишга йўл очади. Янгиланишлар концепцияси Ўзбек халқини жаҳон ҳамжамияти даврасида муносиб ўрин олишга, ўзлигини англашга, озод ва обод жамият қуришга, юртимизни буюк маърифат мамлакатиги айлантиришдек муқаддас мақсадларимизга эришишда абадий ва қудратли маёқ бўлиб йўлларимизни чароғон этиб туради.

Айтиш мумкинки, мустақилликни ўн тўрт йўли давомида Ўзбек миллий фани тараққиётининг янги даври бошланди. Бу бевосита янги тарихий шароитларда вужудга келган бутунлай янги тафаккур тарзи, илмий-тадқиқот ишларида янгича ёндашу шакли сифатида Президент Ислам Каримов ғоялари асосида дунёга келди, шаклланди, илмий, назарий ва амалий жиҳатдан шафқатсиз синовлардан ўтган етук ва баркамол таълимот сифатида вужудга келди. Демак, Президент Ислам Абдуғаниевич Каримов асарлар Ўзбек миллий фани барча соҳаларини, хусусан, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар», «Маънавият асослари» фанларини ҳам ўқитиш ва ривожлантиришда энг муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади.

«Жамият маданиятсиз, маънавий-ахлоқий қадриятларсиз яшай олмайди, уларни писанд қилмаган жамият пировард-оқибатда таназзулга юз тутади. Сарчашмалари буюк аждодларимизнинг тафаккурлари ва муддаоларидан бошланадиган халқимизнинг маънавий қадриятлари иқтисодий ўзгаришларимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади»,-деган эди Президент И. Каримов. Ўзбекитсонда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар оммавий ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш ва янада такомиллаштириш, уларнинг ишларини самарадорлигини оширишни тақозо этади. Зеро, бу тузилмалар биз интилаётган демократик, одил фуқаролик жамиятининг устувор асосларидан бири ҳисобланади.

Шу боисдан ҳам жавлатимиз ва унинг раҳбари Ислам Абдуғаниевич Каримов янги жамият барпо этишнинг дастлабки босқичлариданок фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ташаббускорлигини

оширишда, уларнинг кенг кқламдаги ислохотлардаги иштирокини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган жамоат ташкилотлари фаолиятини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият бердилар ва бериб келмоқдалар. Фикримизнинг исботи сифатида 1992 йилнинг 23 май куни эълон қилинган ««Наврўз» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги, 1992 йил 12 сентябрида эълон қилинган «Республика «Маҳалла» хайрия Жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги, шу йили 8 октябрда қабул қилинган «Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасига маблағ ажратиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларини мисол қилиб кқрсатиш мумкин.

Маънавий-маърифий соҳадаги ишларнинг янада такомиллаштириш мақсадида ва юқоридаги Фармонларнинг мантиқий давоми сифатида 1994 йилнинг 23 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон асосида шу йилнинг 8 июл куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг «Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»га Қарори қабул қилинди.

Жамиятни маънавиятсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Маълумки, халқи маънавий жиҳатдан қашшоқ бўлган мамлакат ҳеч қачон буюк давлат бўла олмайди. Маънавиятнинг роли, айниқса, тарихнинг бурилиш даврларида беқиёс бўлади. Қадим-қадимлардаям бурилиш даврларида маънавиятга Шарқда аҳамият катта бўлган. Ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ҳам маънавиятга катта эътибор берилиши зарурияти туғилди. Бозор муносабатларининг жамият тараққиётининг тезлаштирувчи омил эканлиги исбот талаб қилмайдиган воқелиқдир. Бозор муносабатларига

фақат иқтисодий омиллар билан эмас, юксак маънавият билан ҳам бориш керак, деб кўрсатади Э. Юсупов¹.

Ғарбда бозор муносабатларининг ҳуқуқий жараёнларини иқтисодий манфаатлар белгилайди. Бизда эса одамлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳамма шаклидга ҳам доимо маънавият ётади. Иймон, виждон, ҳалоллик, бировнинг ҳақини ейишдан қўқошлик, одамгарчилик, хайру эҳсон каби тушунчалар азал-азалдан бўлганки, мана шу инсоний фазилатлар одамлар ўртасидаги муносабатларни белгилайдиган омил ҳисобланган. Афсуски, совет тузуми даврида бу ва шу каби юксак инсоний хислатлар анча заифлашди, маънавий бқҳрон бошланди. Лекин миллий маънавиятларни чеклашга, уларни батамом йўқ қилишга бўлган ҳаракатлар самара бермади, чунки, миллат бор экан, унинг ўзига хос маънавияти ҳеч қачон йўқолмайди. Ўзбекистон янги тараққиёт йўлига қтиб, бозор муносабатлари шаклланаётган вақтларда, агар юксак маънавиятли инсонларни тарбиялашга етарли эътибор берилмаса, одамлар ўртасид адолатли, ҳалол муносабатларнинг таркиб топиши қийин кечади. сабаби одамлар ўртасида меҳр-мурувват кўтарилади. Шунинг учун ҳам Президентимиз И. Каримов мазкур масалага катта эътибор билан қараб келмоқдалар. Президент ўзларининг бир қатор китоб, суҳбат ва маърузаларида маънавиятимиз масаласини ҳозирги Ўзбекистон тараққиётида, айниқса, шу бурилиш даврида жуда катта аҳмият касб этаётганлигини мукамал ва тқлиқ шаклда ифодалаб берганлар¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилмк марказини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони ва Вазирлар маҳкамасининг шу марказ фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги Қарори ўз вақтида кўрилган тадбир бўлди. Моддий бойлик куч-қудратга айланиши учун маънавият зарур. Маънавият эса фақат инсонда мужассам. Шу сабабдан давлатнинг халўнинг жамиятнинг қудрати маънавиятли комил инсонлардир. Биз маънавиятга қанчалик эътибор берсак, давлатимиз қудрати

¹ Маънавий-маърифий қадриятлар – истиқлолимиз ва истиқболимиз таянчи.// Истиқлол йўли. Т., 1995, 89-б.

¹ Кенгроқ маълумот учун қаралсин: www.press-service.uz

шунчалик ортади. Шу маънода жамоатчилик марказининг ташкил этилиши ҳақидаги Президентимиз Фармонининг чиқиши тарихий ҳодиса саналади.

II БОБ. МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРБИЯ, ЖАМИЯТ ВА ЁШЛАР

2.1. Жамият ҳаётига маънавий-маърифий ишларни тадбиқ қилишда маънавият, маърифат, мафкура тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги.

Миллат-кишиларнинг барқарор тарихий бирлиги, умумий иқтисодий турмуши ҳамда тили, маданияти, онги ва руҳиятининг бирлиги, ўзига хослиги заминида қарор топган ижтимоий тараққиёт шаклидир. Жамият соҳаси ҳисобланган маънавий соҳа ўзига хос мураккабликка эгадир. Шу маънода маънавий-маърифий жиҳатдан ёндошув маънавиятни, маърифатни, мафкурани илмий жиҳатдан мукамал моҳиятга эга эканлигини тараққиётни ҳар бир даврида кузатишимиз мумкин.

Инсон онгли бўлиб туғилмайди. Унинг асосий ижтимоий фазилати, яъни онги оила ва жамият таъсири туфайли шаклланади. Миллатнинг ўзига хос онги ҳам шундай шаклланади.

Миллий онг - ҳар бир миллат ёки элатнинг бевосита узоқ тарихий этногенез даври, турмуш тарзи, иқтисодий ишлаб чиқариш усули, диний эътиқодлари, маданияти, бошқа халқларнинг бевосита таъсири туфайли шаклланган дунёқараши, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий соҳаларда фаоллик даражаси.

Миллий онг миллатларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш фаолияти, меҳнати, бошқа миллатлар билан мулоқот ва мубоҳасаси жараёнида пайдо бўлади. У тил билан узвий боғлиқдир. Тилда ифода этилган буюм, ҳодиса ва рақамлар миллат онгида ўз ифодасини топади ва субъектив образлар тариқасида унинг билимига айланади. Шунинг учун миллат шаклланиши жараёнидан бошлаб, ўтмиш аجدодлар ва авлодлар яратган буюмлар, тушунчалар оламини ота-она тили орқали ўзлаштириб бориб, ўз онгини қарор топтиради.

Миллий онг алоҳида миллий муҳитда содир бўлади. Унинг шаклланишига тарих тўплаган билимлар, сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар, санъат

эришган ютуклар, ахлоқ, дин ва ижтимоий руҳият, умуман, жамият онги таъсир кўрсатади. Миллий онгнинг тарихдаги ижобий аҳамияти шундан иборатки, у жамият тараққиётида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Миллий онг тарихий тажрибани, олдин ўтган аجدодлар ишлаб чиққан билимларни ва тафаккур-мантиқ усулларини ўзига сингдириб олгач, воқеликни ғоявий тарзда ўзлаштиради, вазифаларни ўртага кўяди, келажак ҳақидаги фаразий лойиҳаларни тузади, инсоннинг бутун амалий фаолиятини белгилайди. Миллий онгни миллий фаолият шакллантиради, миллий онг ҳам ўз навбатида миллий фаолиятга бевосита таъсир ўтказади, уни белгилайди ва тартибга солади. Миллат, ўз орзу-хавасларини амалий равишда рўёбга чиқара бориб, табиатни, жамиятни, шу билан бирга, ўз онги туфайли ўзини ҳам ўзгартиради.

Энди, мустақил Ўзбекистон даврида, миллий онг, аجدодларимиз қолдирган маданий меросга ва қадриятларимизга таяниб, ватанпарварлик ғурурини барчанинг онгига жо қилмоқ биринчи даражали вазифадир.

Миллий онг - Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг самарали омилларидан биридир. Мустақилликка эришган миллат ўз вазифаларини умуммаънавий-маърифий ишлар ва мафкура сифатида қанчалик чуқур ва ҳар томонлама англаб олса, бу ғоя ва мафкуранинг моддий кучга, бун-ёдорлик омили ва ғайратига айланиши шунчалик даражада самарали бўлади. Ўзбекистоннинг етуклик чўққиларига кўтарилиши ўзбек миллатининг раҳнамолиги, бошқа миллатлар ва элатлар вакилларини ўз бағрига ола билиши, мамлакатимиз аҳолисининг онглилигига, шу онг асосила намоён бўладиган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётдаги фаоллигига боғлиқ. Миллий онгни давр талаблари даражасига кўтармоқ учун давлатимизда жуда катта иш бажарилиши керак. Бунинг учун, биринчи навбатда, қарамлик, норасолик, кемтиклик ҳиссиётдан қутулишимиз, иккинчидан, Марказий Осиёдаги ўз ўрнимизни, инсоният олдидаги масъулиятимизни яхши билмоғимиз ва учинчидан, ана шу масъулиятни чуқур англаб, масалаларнинг бундай қўйилиши асосли эканини ўз онгимизга

сингдириш учун ўз тарихимизни, маданиятимиз ва маънавиятимизни, анъаналаримизни ҳар томонлама ўрганмоғимиз ва билмоғимиз зарур.

Ислом Каримов кенг мушоҳадага, мазмун моҳиятга асосланган маънавият, маърифат, мафкура тушунчаларини илмий асосда изоҳлаб берди:

Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон – эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир.

Маърифат (арабча «арафа»-«билмоқ» сўзидан) - таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ғоялар мажмуи асосида кишиларнинг онг-билимини, маданиятини ўстиришга қаратилган фаолият. «Маърифат» тушунчаси «маънавият» ва «маданият» тушунчалари билан чамбарчас боғлангандир; маърифат тарихи жамият тарихининг ажралмас қисмидир. «Илм-маърифатга қизиқиши султ миллатнинг келажаги ҳам бўлмайдир», дейди И.А. Каримов.

Маърифат – арабча сўздан олинган бўлиб, “илмли”, “зиёли” деган маъноларни англатади. Бу кишининг билимли бўлишини, муайян илмга эгаллигини англатувчи термин бўлиб, инсон маънавий камолатининг бир қисмини ташкил этади. Маърифатчилар ҳаракати деб асримиз бошидаги Махмудхожа Бехбедий, Адбулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Авлоний каби зиёлиларнинг қилган ишларини назарда тутамиз.

Мафкура (арабча «мафкура»-фикрлар, нуқтаи назарлар ва эътиқодлар тизими, мажмуи) - жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадиий, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар ва ғоялар мажмуи, умумлаштирилган эса, - «ўзаро ҳаракат қилмоқ» маъносини англатади.

Шу маънода *Миллий руҳият* - миллатнинг ички ҳолати, кечинмалари, ҳис-туйғулари, маънавий дунёси, ўй-фикрлари, мақсад ва маслақлари ҳамда кайфиятлари билан боғлиқ мулоҳазалар мажмуи.

Ўзбек миллий руҳиятини тор тушуниш миллий биқиклик гирдобига тортиши мумкин. Бунга асло йўл қўйиш мумкин эмас. Ўзбек миллий руҳияти

- тарихнинг барча синовларидан ўтган, Ўзбекистоннинг мустақил давлат бўлишига эришган ҳозирги замон етук миллатининг руҳиятидир. Демак, миллий руҳият борасида бизнинг олдимизда мураккаб масалалар турибди. Ўзбек миллати ўз тарихида биринчи марта кўп асрлар давом этган тараққиёт тамойилларига зид мажбурий ўзгаришлардан сўнг ҳақиқий мустақилликка эришди. Бу эса, бизга ниҳоятда масъулиятли ва мураккаб вазифаларни юклади.

Миллий салоҳият - миллат, халқ, мамлакат, давлатнинг куч-қуввати, унинг мавжуд ички, пинҳоний, вақти-соати келганда намоён бўладиган, иқтисодий, илмий, маданий, маънавий ва ҳоказо имкониятлари. Миллий салоҳият, тарихан, объектив ва субъектив омиллар таъсирида секин-аста шаклланади. Объектив омиллар: миллат яшаётган ҳудуднинг кўлами ва ҳаёт кечиришга қулайлиги, табиий шарт-шароитлар, ер ости ва ер усти бойликларининг мавжудлиги, аҳолининг сони, ҳайвонот ва ўсимлик оламининг хилма-хиллиги, сув манбаларининг кўплиги, қуёшли кунларнинг сони, миқдори ва ҳ.к. Субъектив омиллар: аҳолининг саводхонлик даражаси, халқнинг қўшни миллатлар билан ўзаро манфаатли муносабатлар ўрната олиши, мамлакат ичида барча миллатлар, динлар, ижтимоий синфлар ва бошқа табақалар вакилларининг ҳамжиҳатлиги, иноқлиги, ҳамкорлиги ва бошқалар. Объектив омиллар мавжуд бўлса-да, лекин халқ тарқоқ, уюлмаган бўлса, мамлакат, давлат қоқоқлигича, қашшоқлигича қолаверади. Аксинча, субъектив омиллар, агар табиий шароитлар ноқулай бўлса, сезиларли натижа бермайди. Мустақил Ўзбекистон улкан миллий салоҳиятга эга.

-Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг Конституция кунига бағишланган тантанали маросимдаги (1999 йил декабр) нутқида “*Соғлом авлод ҳақида*”:

Биз мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ соғлом авлод тарбиясини энг устувор вазифа деб белгиладик. Баркамол авлодни тарбиялаш масақасини давлат сиёсати даражасига кўтардик. Мустақил Ватанимизнинг биринчи

ордени "Соғлом авлод учун" деб аталгани, "Соғлом авлод учун халқаро жамғармаси" тузилгани бунинг тасдиғидир.

Бир сўз билан айтганда, олдимизга кўйган барча мақсадларимизнинг, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётимизда, давлатимиз, жамиятимиз қурилишида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг, эзгу туйғуларимизнинг маъно-моҳияти соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш эмасми? Кадрлар тайёрлаш миллий дастуримизни ишлаб чиққанимиз ва ҳаётга татбиқ этаётганимиздан мақсад ҳам айнан шу эмасми?

Азиз дўстлар!

Биз соғлом авлод деганда нимани тасаввур қиламиз? Соғлом авлод ғояси орқали биз олдимизга қандай мақсадпарни кўямиз?

Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлом насли, нафақат жисмонан бақувват, шу биланч бирга, руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман. Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади.

Аслида Оллоҳ таоло инсон зотини табиатан соғлом, мукамал яратади. Лекин, афсуски, аввало одам боласининг ўзи, қолаверса, носоз муҳит бу мукамалликни бузади, Одамзот кўп жойпарда, таассуфки, нафс, кибру ҳаво, жаҳолатга берилиб, ўзини ўзи турли балоларга гирифтор қилади.

Ҳеч шубҳа йўқ: соғлом авлод орзуси аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган муқаддас интилишдир. Агар ота-боболаримизнинг турмуш тарзига, тафаккурига назар солсак, улар насл-насаб, етти пуштнинг тозалигига, авлоднинг соғлигига жуда катта эътибор берганини кўрамиз.

Лекин соғлом авлод тарбияси осон иш эмас. У ҳар бир инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятдан жиддий эътибор ва узлуксиз меҳнат талаб қилади.

Фақат жисмоний жиҳатдан бақувват бўлган одамни тарбиялаш унчалик қийин эмас. Аммо уни ҳам жисмоний, ҳам -маънавий жиҳатдан камол топтириш ғоят мураккаб вазифа, айниқса, бугунги кунда мафкуравий

курашлар гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона тус олган ҳозирги нозик, қалтис шароитда, таҳликалӣ замонда бу масала йиҳоятда долзарб аҳамиятга эга.

Мухтарам юртдошлар! Бу ҳаёт жуда тез - бошдаги дўппини бир айлантиргунча ўтади-кетди. Шу қисқа фурсатда инсон халқ учун, Ватани учун, ўз фарзандлари ва келгуси насллар учун савобли ишлар қилиб улгуриши керак. Олижаноб хапқимизнинг эзгу тасаввур ва тушунчасига кўра, ҳар бир одам дунёга келиб, учта хайрли ишни адо этиши лозим.

Биринчиси, соғлом ва оқил фарзанд тарбиялаб вояга еказиш. Иккинчиси, ўз оиласи, фарзандлари учун иморат қуриш. Учинчиси, келажакни ўйлаб, яхши ният билан дарахт ўтқизиш.

Бу инсоний интилишларда миллатимизнинг баркамол авлод ҳақидаги орзу-умидлари ўз аксини топган.

Қисқаси, ўзбекнинг ҳамма орзу-хаваслари, ҳаётининг мазмунида фарзандларининг келажаги, бахту саодати билан боғлиқ мақсадларни кўрамыз.

Халқимиз азалдан бўй-басти келишган, ботир ва полвон ўғлонларни "қиличдек йигит" деб эъзозлаган, улар билан ғурурланган.

Соҳибқирон Амир Темур: бобомиз: "Аскарлари бақувват эл қудратли бўлур, қудратли элнинг аскарлари бақувват бўлур", деган. Шу фикрни давом эттириб, мен "Фарзандлари соғлом юрт; қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади", деб айтмоқчиман.

Менимча, бу гап, бу шиор бугунги ҳаётимизга, бугунги мақсадларимизга тўла мос келади.

Такрор айтаман, соғлом авлодни, соғлом наслни бирданига тарбиялаб бўлмайди, апбатта. Бунинг учун кенг миқёсдаги кўпдан-кўп вазифаларни бажаришимиз, узоқни кўзлаб иш тутишимиз керак. Энг аввало, ҳар бир одам ўз соғлиғи ҳақида қайғуриши, ҳар бир оила ўзидан соғлом насл, соғлом зурёд қолдиришни ўйлаши зарур.

Минг афсуски, баъзи оилаларда ота-онапар на ўзларининг, на фарзандларининг саломатлигини ўйлайди. Улар билмайдик, қатор-қатор

машиналари, данғиллама иморатлари бор одам бой эмас, балки оиласи тинч, соғлом, одобли, ақлли фарзандлари бор инсон чинакам бойдир. Барака топкур, эртага бошинг ёстиққа тегса ёки фарзандинг дардманд бўлса, молу дунё бойлигинг кимга керак? Одамнинг саломатлиги, фаранд соғлиғи олдида хар қанча бойлик икки пулга қиммат эмасми?

Азиз биродарлар, ўзингиз ўйлаб кўринг, бу ёруғ дунёда инсондан нима қолади? Йиққан-терганинг бир кун тугайди. Сендан ёдгорлик бўлиб, умрингнинг давомчиси бўлиб, чироғингни ёқадиган фарзанд қолади. Агар фарзанд соғлом, оқил, иймон-эътиқодпи бўлса, ота-онасига фақат раҳмат келтиради, одамларга наф келтиради, эл-юрт назаридан ҳеч қачон қолмайди.

Барчамиз бу ҳақиқатни яхши билсак-да, уни яна ва яна айтишга тўғри келади.

Соғлом боланинг туғилиши, энг аввало, онанинг соғлиғига боғлиқ. Худо таоло яратган табиатнинг буюк мўъжизаси бўлмиш аёл дилбандини тўққиз ой ўз бағрида, юрак остида авайлаб дунёга келтиради. Уни вояга етказиш учун ўзини аямасдан, бутун ҳаётини бахшида этади. Ана шу жараёнда аёл неки яхшилиқ ёки ёмонлик кўрса, она вужуди орқали ҳомилага ўтади. Соғлиғи ночор, хўрланган, изтироб чеккан онадан соғлом фарзанд туғилмайди.

Шу маънода аёлларни, оналарни асраш керак, дегани - бу фарзандларни асраш, наслни асраш, охир-оқибатда миллатни асраш демакдир. Ўз умр йўлдошини, аёлини эъзозлаган эркак ўз зурёдини, ўз фарзандларини эъзозлаган бўлади. Аёлни қадрлаш оғир ишлардан халос этиш, ёмон иллатлардан ҳимоя қилиш - эр кишининг, бутун жамиятимизнинг бурчидир. Бу ҳақиқат қуруқ гапга айланиб қолмаслиги учун барчамиз жавобгарликни сезишимиз уни амавий ишларимизда намоён қилишимиз даркор.

Соғлом боланинг дунёга келиши отанинг ҳам қони тоза, тани ва руҳи соғлом бўлишига боғлиқ. Бошқача айтганда, оилада соғлом гўдак кулгиси янграши учун она ҳам, ота ҳам соғлом ва ахил бўлиши керак. Бир сўз билан айтганда, соғлом фарзанд фақат соғлом оилада тутилади. Оиланинг

соғломлигини ундаги муҳит, ота-онанинг тотувлиги, бир-бирини тушуниши, қўллаб-қувватлаши, ўзаро иззат-хурмати белгилайди.

Биз янги ҳаётга кадам қўяётган ёш оилаларни эъозлашимиз, оёққа туриб олишлари учун уларгэ давлат томонидан ёрдам кўрсатишимиз лозим. Бу давлатимиз сйёсатининг узвий қисмидир. Албатта, давлат ёрдами, оталарнинг кўмаги, оқ фотиҳаси ўз йўли билан, аммо бахтли оила қуриш, соғлом фарзанд ўстириш кўпроқ ҳар қайси йигит-қизнинг ўз кўлидадир. Бу уларнинг ақл-заковати, интилиши-мақсадлари, орзу-ниятлари, иймон-эътиқодига боғлиқ.

Азиз дўстлар!

Бизнинг эзгу ниятимиз—келажаги буюк давлат ва эркин жамият қуриш. Бизнинг тараққиёт стратегиямиз соғлом авлод тарбиясига таянади ва уни ривожлантиришга қаратилган.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 23 апрелдаги «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони асосида ташкил қилинган. Бу фармонни бажариш учун Вазирлар Маҳкамаси жамғарма фаолиятини белгилаб берувчи ва унинг тиббий, ижтимоий, инсонпарварлик ва молиявий-иқтисодий дастурларини амалга ошириш шарт-шароитларини таъминловчи бир қатор қарорлар қабул қилди.

Жамғармани ташкил қилишдан мақсад-истибдод йилларида захарли дориларнинг қўлланилиши ва экологиянинг бузилиши заифлашган авлодларни ва янги туғилаётганларни соғломлаштириш, оналар ва болалар санитария ва гигиенасини давр талаби даражасига кўтаришдир.

Жамғарманинг барча вилоятларда, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида ҳудудий бўлимлари тузилган, мамлакатнинг ҳар бир туманида «таянч масканлари» ташкил қилинган. Улар жойлардаги жамғарма бўлимларининг тарғибот, тиббий-ижтимоий ва Маънавий-тарбиявий

ишларини уюштирувчи марказлар ҳисобланади. Тошкентда «Соғлом авлод учун» коллежи ташкил этилган.

Тиббий ва ижтимоий дастурларни амалга оширадиган Тиббий-ижтимоий марказ (ТИМ) жамғарманинг бош муассасаси ҳисобланади. ТИМ таркибига аҳолига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатувчи кўчма бригадалар киради, уларнинг мақсади-чекка туманлардаги аёллар ва болаларни текширишдан ўтказишдир.

Жамғарма бир неча ўн дорихонадан иборат тизимга эга; бу дорихоналарда аёллар ва болаларга керакли санитария ва гигиена буюмлари сотилмоқда. Ундан ташқари, «Ўзмедсервис» акционерлик корхонаси негизида «Интермед» техносавдо маркази тузилган; унинг асосий вазифаси туғруқхоналар ва болалар муассасаларига сервис хизмати кўрсатишдир.

Жамғарма аёллар ва болалар учун маърифий рисоалар нашр қилиш мақсадида «Авлод» нашриёт-реклама марказини ташкил қилди.

Жамғарманинг «Ўсиб келаётган авлодни соғломлаштириш дастури»да қуйидаги йўналишлар устувор қилиб белгиланган:

1. Аҳолига иммуноёрдам дастури.
2. Она ва бола скрининг (эҳтиёт текшириш) дастури.
3. Оилани режалаштириш.
4. Болалар ва оналар таомлари муаммолари.
5. Аҳолини, биринчи навбатда, аёллар ва болаларни энг зарур тиббий дори-дармонлар, санитария ва гигиена буюмлари билан таъминлаш.
6. Туғруқхона ва болалар муассасалари моддий-техника асосини мустаҳкамлаш.
7. Халқаро хайрия ва ихтисослаштирилган ташкилотлари билан ҳамкорликда мурувват дастурларини амалга ошириш.
8. Фуқароларга, болалар муассасалари ва ихтисослаштирилган муассасаларга шошилиш хайрия ёрдами кўрсатиш.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси негизида тиббий-ижтимоий патронаж, яъни чақалоқни ва беморни уйларга бориб доимий ёрдам кўрсатиш тизими

ташқил этилган. Унинг асосий вазифалари аёллар ва болаларни соғломлаштириш, оилани режалаштириш юзасидан кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, ҳар хил касалликларнинг олдини олиш зарурлигини тушунтириш, эмлаш устидан назорат қилиб туришдан иборат.

Жамғарма ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга яқиндан ёрдам бермоқда. Жамғарма ҳар йили «Соғлом авлод учун» жамғармаси совринлари учун танловлар ўтказмоқда.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси ўз маблағи ҳисобидан чет эллик шериклардан ёрдам сифатида дори-дармонлар, болалар овқатлари, тиббий жиҳозлар, кийимлар ва ҳоказоларни олиб тиббий муассасаларга ва республика аҳолисига тарқатади, болаларни чет элда даволаш учун ёрдам кўрсатади. Булар -соғлом авлод учун курашнинг конкрет намоён бўлишидир.

Жамғарма давлатлараро битимлар доирасидаги лойиҳаларни амалга оширишда фаол қатнашмоқда.

Соғлом авлод ва соғлом мафкура.

Инсоният ўзининг 6 минг йиллик давлатчилик тарихини барча босқичларида ўз жамиятини баркамол, комил инсонларини тарбиялашни ўзининг энг олий вазифаси деб билган ва билмоқда.

Ушбу умуминсоний тамойилларга содиқ ҳолда мустақил Ўзбекистонимиз ҳам ўз мустақиллигини дастлабки онлариданоқ аждодлар ёди ва авлодлар камолоти масаласи билан машғул бўлди.

Соғлом авлод камолоти масаласи Республикамизда ўзига хос тамойил асосида қуйилган:

1.Соғлом авлод камолоти - давлат, жамият миқёсидаги масала сифатида кун тартибига қўйилди. Президентимиз таъкидлаганидек: “Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг бахти-саодати, фазли камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади, ўзини аямайди”. (Каримов И.А. “Баркамол авлод орзуси”. - Т.: 1999. 8- бет).

2.Соғлом авлод камолоти - белгиланган изчил давлат дастури асосида амалга оширила бошланди. “Аждодсиз авлод йўқ, авлодсиз аждодларнинг

давомийлиги узилиб қолади. Шунингдек, авлод деганда туғилажак фарзандларни ҳам назарда тутиш мумкин”. (Иброхимов.А. ва бошқалар. “Ватан туйғуси”. - Т.: 1996. 57-бет).

3.Соғлом авлод камолоти - давлат раҳбари, юртбошимиз И.А.Каримовнинг бевосита ва билвосита ташаббуси билан амалга оширила бошланди. Юртбошимиз иборалари билан айтганда, “Миллий мафкура миллатни бирлаштирувчи байроқдир”. (Каримов.И.А. “Адолатли жамият сари”. -Т.: 1998. 6-бет).

4.Мукаммал даражада ишлаб чиқилган “Соғлом авлод” дастури ўзининг миллий миниталитетини ва қадриятларига асосланганки, бу халқ тили билан айтганда “Тоза палакдМамлакатимизда соғлом авлод камолоти - масаласи ажодлар хотирасини ёд этиш жараёни билан уйғунликда олиб борилмоқда.

6.Бизда соғлом авлод масаласи азалий ва абадий жараён эканлиги яқдил эътироф этилгандир.

7.Соғлом авлодни шакллантириш воситалари бизда биринчи навбатда: оила, маҳалла, таълим-тарбия масканлари учлиги деб тан олинган. Президентимиз томонидан 1998 йилни “Оила”, 1999 йилни “Аёллар”, 2000 йилни “Соғлом авлод” йили деб аталишибежиз эмас. Балки соғлом авлод камолотини жиҳатлари ва унга эътибордир.

8.Республикамизда соғлом авлод ва шакллантириш жараёни миллий мафкурани яратиш жараёни билан уйғун кечмоқда. Бугунги куннинг муҳим вазифаси соғлом авлодни-соғлом, миллий мафкура билан қуроллантиришдан иборатдир. Миллий мафкура эса халқимизнинг келажагини белгилаб берувчи, унга элитувчи ғоялар, қарашлар, назариялар тизмидир. У ўзининг илдизларига, мақсад ва вазифаларига, ғоя ва шиорларига асосланади. Ва халўни келажак сари интилишга чорлаб ғоявий жиҳатдан қуроллантириб, буюк келажак сари етаклайди.

Демак жамиятимизни келажаги бу соғлом авлод, мафкура эса келажакимизни пойдевори. Уларни ўзаро бевоситалиги эса буюк келажак,

миллат-халқ тараққиёти демакдир. Бугунги кун ҳар бир Ўзбекистонлик шу туйғу, шу ғурур билан яшамоқда.

2.2. Жамият ҳаётидаги маънавий-маърифий жараёнларда ёшларни тутган ўрни

Асрлар давомида инсон ақл-заковати ила бунёд этилган бой маънавият туфайли, — деган эди биринчи Президентимиз И. А. Каримов, — халқимиз мағрур яшади, меҳнат қидди, доимо хуррият ва эрк сари интидли. Буюк алломаларимиз томонидан яратилган оғзаки, ёзма ижодиёт, ҳадиси шариф, халқ китоблари, пандномаларида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган иймон-этиқод сирларининг назарий ва амалий жиҳатлари ҳақидаги билимлар билан ёшларни қуроллантириш лозим».

Демак, баркамол инсон учун зарур бўлган куйидаги хусусиятларни шакллантиришга эришиш лозим:

— ижобий фазилатлар моҳияти, мазмунини тўғри тушуниш ҳамда таҳлил қилиб, муносабат билдира олиш;

— жамоада яшаш, меҳнат қилиш малакаларини эгаллаш;

— баркамол инсонни тасаввур этиш, унинг маънавий қиёфасини шакллантириш усулларини излаш.

Ўқувчиларни маънавий бой, жисмоний жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялаш мақсадида дастлаб уларнинг тарбияланганлик даражасини аниқлаш лозим.

Ўқувчилар қалбини одоб-ахлоқ нурлари билан ёритмоқчи бўлган тарбиячи — ўқитувчи чуқур билим, юксак маҳорат ва тарбиячилик санъатини эгалламоғи, бунинг учун:

— маънавий-тарбиявий ишларни ташкил қилишда ўқитувчи—тарбиячи

назарий ва амалий асослар ҳақида билимга эга бўлиши;

— оммавий ахборот воситалари материаллари билан таниш бўлиши ва улардан керакли жойда унумли фойдалана олиши;

— таълим тўғрисидаги ахборотлардан, янги педагогик технологиялардан воқиф бўлиши;

— инсонни маънавий баркамол қилиб тарбиялашда ўзбек халқининг миллий ва маънавий қадриятларидан, манбашуносликдан хабардор бўлиши ва унга амал қилиши;

— маънавий-тарбиявий тадбирларни режалаштиришда ўқувчи ёшларнинг руҳияти, қизиқиши, жамоадаги ижобий ва салбий сифатларининг мавжудлиги даражасига эътибор бериши;

— ҳар бир масалага, воқеа-ҳодисага ижодий ёндашиши, тарбиявий тадбирларнинг сифат ва самарадорлигини оширишда янгича ишлаш методи ва шаклларидан фойдаланиши;

— XXI асрни қарши олаётган ўзбек оиласида юксак маънавий баркамол инсонни тарбиялашда маҳалла ва жамоатчиликнинг ижобий таъсирини кучайтирувчи тадбирларни жорий этиши зарур.

Ўзбекистонда миллий уйғонишнинг вужудга келиши қонуний зарурият бўлиб, унинг замирида халқлардаги мустамлакачилик зулмидан озод бўлиш истаги ётар эди. Халқда бундай истакнинг пайдо бўлишида ўтмишдаги қуйидаги назарий таълимотлар жиддий таъсир кўрсатди:

- ўзбек халқининг мустамлакачилик зулмидан озод бўлиши натижасида ўлкадаги Маънавий-маърифий ишларларнинг рўёбга чиқиши;

- маърифатпарварлик ёки жамиятни янгилашга интилиш-жадидчилик (арабча «янги» деган маъно англатади) ҳаракати;

- она тилимиз, унинг софлиги учун курашиш бир қадар яхшилангани.

Миллий уйғонишга доир бундай назарий йўналишларнинг мақсадлари қуйидагича эди:

1. Туркистон халқларининг авлод-аждодлари яратган халқ оғзаки ижодиётининг миллий тарбия воситаси сифатида қўлланишини юзага чиқариш ва кенг фойдаланиш. **(22)**

2. Халқимиз яратган миллий урф-одат ва анъаналарни қайтадан инсонлар ҳаётига киритиш.

3. Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифдаги инсон камолоти ҳақидаги ғояларни ёшларга ўргатиш.

4. Маърифатпарвар шахслар, миллий қаҳрамонлар фаолияти, уларнинг асарларини ўрганиш, илғор Маънавий-тарбиявий таъсир кўрсатувчи таълимотларга амал қилиш.

Юқоридаги миллий тарбиянинг назарий асосларидан фойдаланиш орқалигина миллий тарбия-халқ руҳи билан боғланади.

Маълумки, миллий тарбия халқ номи ва унинг тарихи билан чамбарчас боғлиқдир.

Шундай қилиб маънавий-маърифий тарбия жараёнлари ёшлар қалбида инсоний фазилатларни камол топтириш билан бирга, ҳаёт ва турмуш учун зарур бўлган иқтисодий, сиёсий, маданий билимлар бўйича тўплаган тажрибаларни ўрганишга, ундан сабоқ олиш хусусиятларини ўргатади. Демак аудиториядан ташқари, маънавий-маърифий тарбия ишлари ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий билимларни ва ёшлар фаолиятини самародорлигини оширишда муҳим аҳамият қаб этади. Зеро, маънавий-маърифий тарбия ишларини амалга оширишда профессор-ўқитувчилар билан бир қаторда гуруҳ мураббийлари, олийгоҳ жамоа ташкилотлари, ота-оналар, маҳалла, давлат ва нодавлат жамғармаларининг иштироки таъминланади. Тажриба ва тадқиқотимиз натижалари шундан далолат бермоқдаки, мақсадли, педагогик нуқтаи назардан самарали ташкил этилган аудиториядан ташқари маънавий-маърифий тарбия ишлари ёшларнинг фан асосларини чуқур ва мукамал ўзлаштириш, ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий маълумотларни кенгайтириш билан бирга, унинг ҳаётга бўлган муносабатини, ўқув машғулотларида олган маълумотларни турмуш ва

таракқиёт ходисалари билан таққослаш тасавурларини кенгайтиришига, мустақил хулоса чиқаришга, топшириқларни аниқ ва мустаҳкам яқунлашга, ёрдам беради. Шунингдек ёшлар фаоллигини оширишга амалий ёрдам кўрсатади ва уларнинг фуқаролик маданиятини шаклланишига пойдевор қуяди.

Шунинг учун ҳам ёшлар дунёқарашини кенгайтириш, саводхонлигини ошириш, билим олишга қизиқиш, фан асосларини эгаллашга интилишни орттириш, шу асосда фуқаролик маданиятини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Шунга кўра жамият соҳаларидаги маънавий-маърифий ишлар бўйича мутасадилар ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялаш, уларда мустақил дунёқараш ҳамда фуқаролик маданиятини ташкил топтириш билан бирга, ҳаёт давомида олган билим ва маълумотларни чуқурлаштириш ва бўш вақтларни мазмунли, қувноқ ўтказишга, талабаларни мустақилликка, фаолликка ўргатиш ва юксак маънавий-ахлоқий салоҳият, ақлий заковатини ривожлантиришга аудиториядан ташқари маънавий-маърифий тарбия ишларини кучайтиришлари талабга мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун маънавий-маърифий ишларнинг оммавий, жамоавий, гуруҳий, яқка тартибда (индивидуал тури)даги шаклланидан фойдаланиб, давра суҳбатлари, баҳс-мунозара кечалари, фан ҳафталиклари, маънавият соатлари ва кунлари, тарихий, бадий обидаларга саёҳат, ҳамда илғор ишлаб чиқариш корхоналарига саёҳат, ёш ҳаваскорлар иштирокида Ватанимизнинг ўтмиши бугунги ва эртасини тараннум этувчи, мустақилликни улуғловчи бадий-муסיқий ташкил этиш лозим. Жамият ҳаётидаги мавжуд соҳаларда тадбирлар амалга оширилмоқда, аммо ўтказилаётган тадбирларда илмий-педагогик, ёндашув, ташкилий-методик маълумотлар етишмаётганлиги сабабли кўпчилик ҳолатларда расмиятчиликка, қоғозбозликка, мавҳумликка, йўл кўйиш содир этилмоқда. Бундай тадбирлар ёшларда, қатъиятсизликни, иродасизликни, қийинчиликдан қўрқишни юзага келтириши табиий.

Мустақиллик шарофати туфайли унутилган халқ маросимларини тиклаш ва ўрганиш учун янги шарт-шароит яратилди.

Биз маърифатпарварларнинг қайси бир асарларини ўрганмайлик, уларнинг халқ яратган адабий-бадий ёзма ёдгорлик манбалар намуналаридан фодаланганларини кўрамиз. Шарҳлар ёки ёзмаишларни таҳлил қилиш орқали ҳам буни кузатиш мумкин. Масалан: Ал Фаробий Афлотун фалсафасини авлодларга етказди. Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий ва Низомий Ганжавийнинг «Хамса»сини давом эттирди.

Ўтмиш меросимиз ёшлар тарбияси учун муҳим восита бўлиб хизмат қилмоғи лозим. Биз шу кунда кенг кўламдаги ахборот воситаларига, манбаларига эгамиз. Булар кундалик ҳаётимизда фарзандларимиз қалбига етиб бориши лозим. Бу борада Абу Исо Муҳаммад бинни Имом Термизий, Исмоил Бухорийнинг ҳадислари ёки Муҳаммад пайғамбаримизнинг «1001 ҳадиси»нинг нашр этилиши, «Қуръони Карим»нинг таржимаси, Юсуф Хос Ҳожиб, Муҳаммад ва Маҳмуд Қошғарийларнинг асарлари, шу билан бирга, бошланғич таълим устодлари М.Бехбудий, А.Фитрат, Саидрасул Азизий, Исохон Ибрат, Муҳаммад Авобий, Шокурий, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Хамза ва бошқаларнинг яратган дарслик ва асарларида миллий масалалар муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабдан мактабларда «Одобнома»ни фан сифатида ўқитиш алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада олимларимиз бир қатор ишларни амалга оширдилар. О.Тўраева, Т.Қурбонов ва М.Туроповлар ҳамкорликда яратган юқори синфлар учун «Одобнома» дастури ва ўқув кўлланмалари, С.Нишонованинг «Маънавият дарслари», У.Маҳкамовнинг «Ахлоқ-одоб сабоқлари», А.Жўраевнинг «Маънавий-тарбиявий дарсларни ўтиш», О.Ҳасанбоеванинг бошланғич синф ўқувчилари учун «Одоб сабоқлари» каби дастур ва ўқув кўлланмалари, дарсликлар Маънавий-тарбиявий тадбирларнинг самарадорлигини ошириш ва миллий тарбияни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Республикамизда бозор иқтисодига ўтиш ҳам Маънавий-тарбиявий ишларни янада такомиллаштиришни тақозо этади. Юртбошимиз И.Каримовнинг сўзи билан айтганда: Бозор муносабатига ўтиш даврида ижтимоий соҳа-соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва санъат,

шунингдек, илм-фан, айниқса, мушкул аҳволда қолмоқда. Биз учун тарихий, маданий, умуман, маънавий қадриятлар, халқимизнинг руҳини баланд сақлаш, ёш авлодни тарбиялаш асосий вазифа бўлиб қолиши керак. . .» (И.Каримов. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. -Т.: Ўзбекистон, 1992 й. 23-бет)

Маънавий-тарбиявий жиҳатдан ёндошув жараёни ёшларда Ватанга мухаббат, миллий ғурур, шарқона мулоқот одоби, исломий ғояларга тўғри муносабатда бўлиш, ўзбек санъати, халқ ёдгорликларини тушуниш ва ардоқлаш каби юксак инсоний фазилатларни шакллантиришдир.

Маънавий-тарбиявий ишларни тўғри ташкил қилишда бериладиган назарий билимларни ёшлар қалбига етказиш, уларни кундалик эҳтиёжига айлантириш учун ўқитувчи қуйидаги иш усулларига эътибор бериши лозим.

Шу нуқтаи назардан халқ таълимини дастурларида қуйидаги кетма-кетлик асосидаги ёндошув ўринлидир:

- мактаб, масъул шахслар синф жамоасининг руҳий ҳолати, яъни ҳар бир ўқувчининг шахси, фаолияти, қизиқиш даражасига;
- ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражаси, тартиб-интизоми, давлат мулкига бўлган муносабатига;
- ўқувчилар билан олиб бориладиган Маънавий-тарбиявий тадбирларга бўлган муносабатига (ижобий ёки салбий);
- мактаб ва синфдаги ижтимоий фикрга бўйсунувчанлигига;
- ўқувчилардаги ўзаро ахлоқий муомала ва муносабатларига;
- мактабда ташкил этилган қонун-қоидаларга муносабат ва унга амал қилишига.

Юқоридагиларга амал қилинган ўқитувчи (тарбиячи) ўз фаолиятини ташкил қилишда нималарга эътибор беришни тез англаб олади.

Устоз ўқитувчининг билим даражаси, шарқона фикр юрита билиши, иш билан ҳаракатнинг бирлиги синф ўқувчиларини ўрганиш ва улардаги ижобий фазилатларни такомиллаштириб, салбий хислатларни йўқотишга имкон беради.

Мустақил Ўзбекистонда биринчи марта Маънавий-тарбиявий ишларнинг миллий асосларини ҳисобга олиб, «Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар» концепцияси (йўриқнома) ишлаб чиқилди. Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ олимлар гуруҳи ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ходимлари томонидан ишлаб чиқилган концепция Маънавий-тарбиявий ишларни назарий ва Амалий жиҳатдан тўғри режалаштириш имконини яратади.

Мазкур концепцияда Маънавий-тарбиявий ишларнинг асосий йўналишлари, мақсад ва вазифалари қуйидагича берилган:

Инсонни унинг атрофини қуршаб турган воситалар-оиласи, ота-онаси, санъат, адабиёт, табиат ва ҳоказолар тарбиялайди. Ўқувчи-ёшларнинг ривожланиш жараёнини (25) бошқариб бориш керак. Инсоннинг биологик ижтимоий асосини ташкил қилувчи ўзини тарбиялаш ва тарбиянинг бирлигини таъминлаган ҳолда, унинг шахс сифатида шаклланишига салбий таъсир кўрсатадиган муҳитдан ҳимоя қилиш лозим.

Асрлар давомида шахснинг ҳар томонлама камолотга эришуви ғояси тарбиянинг етакчи мақсадига асос бўлиб келади. Шахснинг ҳар томонлама камолотга эришуви-унинг айрим қирралари ёки хислатларининг тўлақонлигини, яъни жисмоний, ахлоқий, сиёсий, эстетик, иқтисодий, ҳуқуқий қарашлари йиғиндисини ўз ичига олади.

Жумладан:

- ёшларни фалсафий дунёқарашга тайёрлаш, ҳаёт мазмунини тушуниб олишда кўмаклашиш, ўз-ўзини идора ва назорат қила билишни шакллантириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндашув, уларда режа ва амал бирлиги ҳиссини уйғотиш;

- ўқувчиларни умуминсоний ва халқимиз қадриятлари, бой маданияти билан ошно қилиш, уларда маданий ва маънавий билимларни эгаллашга бўлган талабларни шакллантириш, малакаларини ошириш, уларни тобора бойитиш, маънавий тушунчаларини шакллантириш;

- ҳар бир ўсмирнинг, йигит ва қизларнинг билимдонликларини ва ижодий имкониятларини аниқлаб, уларни ривожлантириш ва инсон фаолиятининг турли соҳаларида жорий қилиш. Болалар ижодкорлиги, иқтидорини юзага чиқариш ва янада қўллаб-қувватлаш учун шарт-шароит ҳозирлаш;

-инсонпарварликнинг ахлоқий меъёрларини шакллантириш (меҳрибонлик, бир-бирларини тушунадиган, шафқатлилик, ирқий ва миллий камситишларига тоқатсизлик), муомала одоби, зиёлилик маданияти каби Маънавий-тарбиявий чоралар (ноҳақлик, ёлғончилик, тухмат, чақимчиликка тоқатсизлик) кенг қўлланиши лозим;

- қонуний жамоа ахлоқи ва турмуш қоидаларига ҳурмат билан қарашни тарбиялаш-шахснинг ноёб қирраларига ҳурмат билан қараш ва ижтимоий масъулият ҳисларини ривожлантириш, ўзи яшаётган мамлакатнинг равнақи, инсоният тараққиётини барқарор сақлаб қолиш йўлида ғамхўрлик қилиш;

-ватанпарварлик-дунёвий фикрлаш, маданият арбобларига бўлган алоҳида муносабат ва уни ўрганиш, ўз халқи, давлати, унинг ҳимояси учун ҳамиша шай бўлиб туриш, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг рамзларига ҳурмат билан қараш. Ёш авлодни Ўзбекистон Мадҳияси, Байроғи, Герби, Конституцияси ва унинг Президентига садоқатли қилиб шакллантириш;

- турмушда энг олий қадрият ҳисобланган меҳнатга ижодий муносабатни тарбиялаш, меҳнатга ижодий ёндашиш тадбирларини кучайтириш, ижтимоий мақсадларга интилиш каби ҳислатларни тарбиялаш, Амалий муносабатлар-тадбиркорлик, тўғрисиқлик ва масъулият ҳиссини тарбиялаш;

- соғлом турмуш тарзи учун интилишни тарбиялаш ва ривожлантириш, муносиб оила соҳиби бўлишга тайёргарлик кўриш. Ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракатига ва унинг оқибатига масъулият билан қараш ҳислатларини тарбиялаш учун шароит ҳозирлаш. Инсоннинг атроф-муҳитга таъсири, кишилар билан ўзаро муносабатларида юқоридагиларга амал қилиш руҳида тарбиялаш;

- мустақил давлат-Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатиغا тўғри, холисона баҳо беришга ўргатиш. Унинг тинчликсеварлик, демократик ва бошқа давлатларнинг ички сиёсатиغا аралашмаслик, бетарафлик, ошкора-очиқ ташқи сиёсати ва ўз халқининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган, уни ижтимоий ҳимоя қиладиган ички сиёсатини тўғри тушунмоқ ва тушунтирмоқ керак.

Тарбиянинг асосий тизими қуйидагилар бўлиши лозим:

- тарбияда улғаяётган инсон шахсини олий ижтимоий кадрят деб тан олиш, ҳар бир ўғил-қизнинг бетакрор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, унинг ижтимоий ҳуқуқи ва эркинлиги эътиборда тутилиши;

- миллийликнинг ўзига хос анъаналарига таяниш. Лекин тарбиянинг миллий «бунёдкорлиги» ёш авлоднинг кўпмиллатли ва жаҳон маданияти бойликларига қизиқишларини, интилишларини инкор қилмаслик;

- ўқувчилар ҳаётий фаолиятида Маънавий-тарбиявий жараённинг асосини ташкил қилиш. Бола, ўсмир, йигит ва қизлар таълим даргоҳида таҳсил олаётган чоғида нафақат бўлғуси катта ҳаётга тайёргарлик кўрадилар, балки ана шу ҳақиқий ҳаёт билан яшайдилар. Мактабларда болалар ёш жиҳатларига мос зарур, қизиқарли, тўлақонли ҳаёт иқлимини яратиш, меҳнат, хайрия, ижтимоий-фойдали, ижтимоий-кўнгилочар ва шунга ўхшаш тадбирлар ташкил этилиши лозимки, натижада ўқувчилар кўнгиллари тусаган ишга қўл урсинлар, муваффақият ҳиссини туйиб, ўзларига ишончлари ортсин, ахлоқлари барқарор бўлсин.

Мустақил Ўзбекистоннинг узлуксиз таълим тизимидаги ўқув муассасалари ёш авлодда маънавий-маърифий ишларни миллий меросимиз билан бойитишда, ёш ватанпарварларни тарбиялашда янгича иш услублари асосида ва ижодий ёндашмоқдалар.

Олим, шоир, педагоглариимиз ўзларининг илмий изланишларида маънавий-маърифий тадбирларнинг янгича йўналиш ва тамойилларини Республика ўқитувчи-тарбиячиларига тавсия этмоқдалар.

С.Очилов “Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари” номли рисоласида тарбиявий ишларнинг янгича йўналишларини асослаб берди.

“Бўлажак авлодда: ҳурфикрлик, миллий ифтихор, миллий кадриятларга ҳурмат, эркинлик ва озодлик, инсонпарварлик, биродарлик ва ҳамкорлик, илмга меҳр-мухаббат, иймон ва эътиқод, ҳалоллик, ахлоқий поклик, маданий меросга ҳурмат, адолатпарварлик ва озодлик, байналминаллик, ижодкорлик ва ташаббускорлик, тадбиркорлик ва ишбилармонлик, қонунга нисбатан итоаткорлик, мустақилликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ғояларига садоқат, мусулмон динига ҳурмат, Президент ва давлатни қадрлаш каби сифатларни тарбиялаш”. (С.Очилов “Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари”. –Т: 1995. Укитувчи, 41-б.)

Бу ғоялар Ўзбекистон Республикаси истиқлол тараққиётининг беш тамойили талабларига асосланиб олинган бўлиб, унинг мезонида тарбиявий ишларни ташкил қилиш маҳорати ва қоидалари ҳам ўз аксини топгандир.

А.Жўраевнинг “Тарбиявий дарсларни ўтиш” рисоласида ҳам мустақиллик ғояси билан боғланган тарбиявий тадбирлардан янгича қоидаларга асосланган намуналар берилган.

Ижодкор раҳбар ҳамда илғор ўқитувчи-тарбиячилар ўз фаолиятлари жараёнида тарбиявий ишларни ташкил қилишда қуйидаги маҳорат тамойилларини асос қилиб оладилар:

- тарбиявий тадбирлар ўтказишдан мақсад: маънавиятни ёш авлод онгига сингдириш ва эътиқодига айлантиришдан иборат эканлиги;
- тарбия жараёнини миллий ва умуминсоний кадриятлар билан боғлаб, бола қалбига ва онгига таъсир кўрсатиш;
- тарбиявий ишларни ўқувчилар жамоасини жипслаштирувчи омиллар билан бойитиб, тарбиянинг таълим билан узвийлигини таъминлаш;
- тарбиявий жараёнда болаларни тарбияланиш даражасини аниқлаш ва ижобий томонларини ўстириш;
- бола шахсига ҳурмат ва талабчанлик;

- болаларнинг ёш ва руҳий ҳолатини ҳисобга олиш.

Тарбиявий ишларни ташкил қилиш тамойиллари баркамол инсонни тарбиялашда кенг имконга эга бўлиб, уни қай даражада олиб бориш синф раҳбари, ўқитувчи ва тарбиячининг педагогик маҳоратига боғлиқдир.

Тарбиявий ишлар самарадорлигини таъминловчи муҳим омил-педагогик маҳоратдир.

Тарбиявий маҳорат Оллоҳ томонидан инъом этилган, тажрибалар жараёнида шаклланувчи бир юксак фазилатдир.

Ўқитувчи-тарбиячининг педагогик маҳорати кўп қиррали бўлиб, у:

- болаларга меҳрибон ва ҳамкорлигида;

- ўқув тарбия жараёнида адолатли бўлишида;

- болаларнинг қайғу-ҳасрати, ғами ва омадсизлигига ҳамдард бўлишида;

- муомала маданиятида;

- чуқур билим эгаси бўлишида;

- ўқитувчининг руҳий ҳолатида (самимийлик, хайрихоҳлик, олижаноблик);

- жамоа билан ишлашда вазиятни ижобий томонга санъаткорона йўналтиришда намоён бўлади.

-Кишилк жамияти тараққиётида ҳар бир ҳунар, у ёки бу ижтимоий сиёсий масалаларни ҳал қилишда инсондан маҳорат талаб этишини ҳалқ ижодиётида, ёзма ёдгорликларда, афсона, достон, эртак, қисса, ҳикоят, ривоятларда ҳамда хурфикрли, доно, маърифатпарвар мутафаккирларимизнинг асарларида турлича талқин этилган.

Муомала маданияти

Ҳар бир тарбиячининг дунёқараши, тарбияланганлиги, одоблилиги унинг муомаласида намоён бўлади. Муомаланинг асосий воситаси-тил. Халқимизда шундай нақл бор: “Бола ширин сўзнинг гадоси”. Бас, шундай экан, тарбиячи муомаласида тилга жуда эҳтиёткор бўлиши керак. Тили ширин, хушмуомалали ўқитувчи энг обрўлидир. Хусайн Воиз Кошифий шундай деган эдилар: “Ҳақ сўзлар айтурсизлар, яхши сўздан бўлакни

айтмангизлар ва кўп сўзламоқ кўнгилни қаро қилур ёки: “Мумкин эрса яхши сўз қил ошкор, яхши сўздан хўб йўқдур ёдгор”, “Насихатни ширин сўзу мулойимлик бирла ибтидо қилгай, чунки бу замонда юмшоқлик ва хушрўйлик кўрғазмайин насихат корга келмас”.

Алишер Навоий муомала қилувчи шахснинг маҳоратида энг аввало тил ширинлиги лозимлиги ҳақида гапириб, “Ширин сўз кўнгиллар учун бамисли асалдир”, деган эди. (Р.Махмудов. Дегонимни улуска мағруб эт... - Т.: 1992. Ўзбекистон, 43-б)

Кайковус ўзининг “Қобуснома” асарида “Сухандонлик била баланд мартабали бўлмоқ” зикрида шундай ҳикоятини келтиради:

“Хорун ар-Рашид бир туш кўрдик, оғзидан барча тишлари тўкилмиш. Эрта тонг туриб бул тушнинг таъбирини айтувчини чақириб сўрадики... “Бу тушнинг таъбири недур?”, “Андоғким, сендин ўзга ҳеч ким қолмағусидир”. Бу сўзни эшитиб Хорун ар-Рашид: “Менинг юзимга бундоқ дардлиғ ва андуҳлиғ сўзни айтдинг. Менинг барча қариндошларим ўлсалар, сўнгра мен қандоқ ишга ярарман ва яна янглиғ рўзғор сўрарман?”-деди ва унга юз таёқ урмоқ буюрди.

Сўнгра яна бир таъбирчини чақириб сўради.

...Таъбирчи деди: “Эй амиралмўъминин, сенинг умринг барча акраболаринг умридан узоқ бўлур”. Хорун ар-Рашид деди: “Барча ақлнинг йўли бирдур ва икковингнинг таъбиринг негизи бир ерга борур, аммо бу иборат била ул иборатнинг орасида фарқ бағоят кўпдир”. Буюрди, сўнгни таъбирчига юз тилло бердилар.(Кайковус. Қобуснома. –Т.: 1986. Укитувчи. 46-б)

Бир донишманд жамоага қараб: “Бир гапиб бор, уни минг сўмга сотаман, истовчилар бўлса марҳамат!” дейди. Сухбат иштирокчилари ҳайрон қолиб: “Қандай гап экан?” деб сўрабдилар. Шунда донишманд бу гап: “Ўйлаб иш қил!” дегани дебди. Донишманднинг бу ғоясидан шуни англамоқ лозимки, ўйлаб иш қилган одам муомаласида қиёфаси бўлиши (бош, юз ва ҳатти-ҳаракатларини одоб юзасидан бошқариши) керак экан.

Кўпол, одобсиз гапларга ўрин қолдирмаслик, бола шахсига тегадиган кўпол муомала қилиш ўқитувчининг иззати ва обрўйига путур етказди. Педагог олим Сухомлинский муомала маҳоратининг кучи ва унинг яширин сирларини “Болаларга жоним фидо” асарида шундай баён этган эди:

“...Юксак туйғу маданиятига эга бўлган ўқитувчи боланинг кайфияти нохушлигини дарҳол фаҳмлайди. Бу энг аввало унинг кўзидан билинади. ...У бола кўнглидаги ташвишини қандай йўл биландир маълум қилиш йўлини топади... Кейин болани танҳо топиб, суриштириши ҳам мумкин.

... Боланинг аҳволини тушуниш, унга ҳамдард бўлиш, мадад бериш керак.

Кўпинча ҳамдардлик, раҳмдиллик, чин кўнгиладан гаплашиш боланинг дилига хуш келадиган энг яқин ёрдам бўлади. Бепарволик, лоқайдлик эса боланинг дилини ларзага солади”.(А.Сухомлинский. Тарбия тў-рисида. –Т.: 1992. Ўқитувчи, 24-б.)

Бола қалбини нурафшон қилувчи восита ўқитувчининг жонли сўзи, унинг руҳини тушурувчи ҳам ўша сўзнинг баёнидир. Ҳалқда: “Гапдан гапнинг фарқи бор, ўттиз икки нақли бор”, деб бежиз айтилмаган.

Тарбиячининг адолат билан иш тутуши маҳорати

Адолат иймон-эътиқодни, пок ниятга элитувчи ҳаўни ноҳақдан ажратувчи бир ўлчовдир.

Адолат инсонлар хулқини баҳоловчи муҳим мезондир. Ўтмиш аждодларимиз адолат ва адолатсизликка алоҳида эътибор бериб, бу тушунчани сиёсий, фалсафий, ҳуқуқий, ахлоқий нуқтаи назардан турлича талқин этиб, комил инсон тарбияида катта восита эканлигини ўз асарларида баён этганлар.

Амир Темур салтанатни бошқаришнинг бош мезони-адолат деб ҳисоблаган эди. У ўзининг панд-насихатларида ҳам ёш авлодни адолатли бўлишга чорлайди. “Ҳар мамлакатни забт этган бўлсам, ўша вилоятнинг улуғларини оға-иниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса ўз

фарзандларимдек кўрдим”, деган эди. (Амир Темур ўғитлари. –Т.: 1992. Фан, 32-б.)

Воиз Кошифий “Ахлоқи Муҳсиний” асарида шундай ёзган эди: “Адолат-бу инсонларни бир-бирига яхшилик кўрсатишидир”. (Р.Маҳмудов. Дегонимни улусқа ма-руб эт... -Т.: 1992. Ўзбекистон, 43-б)

Адолат ва адолатсизликнинг асрий кўринишлари инсоннинг қилмиши, харакати, тили, муомала маданияти, ташқи қиёфасида ўз аксини топади.

Педагогик таъсир кўрсатиш маҳорати

Тарбия жараёнида педагогик таъсир кўрсатиш маҳорати ўқувчига у ёки бу юксак ахлоқий сифатларнинг моҳиятини аниқлаш жараёнида қўлланиладиган ўқитувчи-тарбиячининг иш усуллари билан бириктирилади.

Ўқитувчи III синфда «Эртак кетидан эртак» мавзусидаги суҳбатда ўқувчиларга дастлаб эртак мазмунини баён этади:

“Ота 10 яшар ўғли билан даладан қайтаётди, йўл устида тушиб ётган бир тақани кўради ва ўғлига дейди:

- Тақани ол!

- Эски тақа учун эгилиб ўтираманми?-деб гап қайтаради ўғли. Отаси индамасдан ўзи эгилиб, тақани олади, йўлида давом этади. Кун иссиқ эди. Бола чанқай бошлайди. Бир оз йўл юрганидан кейин олча сотиб ўтирган баққол кўринади. Отаси бояги тақани олчага алмаштириб, белбоғига тугиб олади. Ўғлига кўз-кўз қилиб, бир дона олчани оғзига ташлади-да, бир донасини эса ерга ташлади. Ўғли дарров эгилиб олчани олади ва чанқоғини бостирмоқчи бўлиб, оғзига солади. Отаси олчани кетма-кет ташлайди. Ўғли ўн-ўн беш марта эгилиб, олчаларни териб олиб егандан сўнг, ниҳоят, отаси тўхтади ва белбоғида қолган олчаларни ўғлига узата туриб дейди:

- Кўрдингми, ўғлим, сен тақани кўтариб олиш учун бир марта эгилишга эринган эдинг, олчаларни териб олиш учун ўн-ўн беш марта эгилдинг. Бундан кейин эсингда бўлсин, агар енгил меҳнатни оғир деб ҳисобласанг, ундан баттар оғирга дуч келасан!”

Бу эртактаги педагогик таъсирнинг салбий ва ижобий кўринишларини болаларга изоҳлашда ўқитувчи қуйидаги саволлар орқали тарбиявий маҳорат билан ёндашади:

- Отанинг талаби тўғрими ёки йўқми? Сабабини очиб беринг.

- Отанинг болага меҳнатдан бош тортмаслик учун тутган иш усули тўғрими? Болага дастлаб ўз ҳаракати билан ўртак бўлиб, сўнг унинг хатосини тушунтиришига қандай қарайсиз?

- Бу борада сизларнинг фикр ва муносабатларингиз қандай?

Сухбатда тарбиявий таъсир кўрсатишнинг қуйидаги усуллардан фойдаланилди:

Болага қўйилган талаб, педагогик таъсир кўрсатиши керак.

Ўқув тарбия жараёнида ўқитувчи тарбиячи ўз мақсадига эришиш учун доимо ўқувчиларга ўз талаблари билан ёндашади. Уларни рағбатлантиради, огоҳлантиради, танбеҳ беради.

Ўқитувчи-тарбиячи педагогика асосида қўйилган талабларни тушунтириб, ноҳўя ҳаракатлардан болаларни сақлаши лозим, айниқса кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини мактаб ва жамоага мослагунига қадар кетма-кет талаблар қўйиши керак.

Юқоридаги талабларнинг қанчалик таъсир этиши тарбиячининг педагогик маҳорати ва обрўйига боғлиқдир.

Талабларнинг қўйилиш шакллари:

Тарбиячи томонидан талабнинг тўппа-тўғри қўйилиши. Бундай талаб болалар жамоаси билан ишлашнинг дастлабки босқичидир. Ижодкор педагог А.С.Макаренко: "...Самимий, ошқора, ишонарли, қизгин ва қатъий талаб бўлмаса, жамоани тарбиялашни бошлаб бўлмайди", деган эди. Бундай талаблар жамоани бир мақсад йўлига бошлаши учун:

- талабнинг ижобий бўлиши, боланинг хатти-ҳаракатларига тўсқинлик қилмаслиги;

- талаб аниқ ва тушунарли бўлиши;

- қўйилган талаб натижасини билиш;

- талаб очик чеҳра, самимий бир оҳангда берилиши, илтимос, маслаҳат, яхши ниятга чорлаши;

- талаблар болаларнинг ёши, билим савиясига мос бўлиши;

- талабларда кесатик, луқма, миннат бўлмаслиги ва бошқалар.

Тарбиячининг педагогик таъсир кўрсатишдаги яна бир усули ўқувчи ва ўқувчилар жамоасини истиқлол йўлига бошлашидир. Бундай жамоада тарбиячи ва тарбияланувчилар ўртасида ошкора ишонч бўлиши, ўз-ўзини бошқариш, анъана ва қонунларга амал қилиниши муҳимдир.

Тарбиячининг ўқувчилар жамоасини жипслаштиришдаги маҳорати.

Кишилиқ жамоаси пайдо бўлган даврдан бошлаб инсон ҳеч қачон ёлғиз яшай олмаган. Жамоани ташкил қилиш ва унинг тарбиявий таъсирининг назарий ва амалий асослари мутафаккир ва олимлар томонидан ўрганилиб, илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. **(76)**

Тарбиячининг навбатдаги вазифаси болалар жамоасини ташкил қилиш, тарбиялаш ва жипслаштириш борасидаги назарий билимларни ўзлаштириб, илғор тажрибаларга суяниб, ўқувчиларни тарбиялаш жараёнида ўртоқлик-дўстлик, ўзаро ҳамкорлик, ҳамжихатлик, ўз-ўзини тарбиялаш ва бошқариш каби жамоачилиқ сифатларини шакллантириш маҳоратини ўзлаштиришдан иборат. Улар:

- бошланғич синф жамоасини тарбиялаш ва улардан ўзаро муносабат алоқаларини яратиш;

- ўқувчилар кундалиқ фаолиятларини жамоага жипслаштириш;

- шахсий манфаатни жамоа билан уйғун ҳолда кўришга ўргатиш;

- жамоада бир-бирига меҳр оқибат, мурувват ва саҳийлик, дўстона ҳамкорликни вужудга келтириш, уни катта тарбиявий кучга айланттириш.

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг жамоаларини ташкил қилишда ўқитувчининг турли-туман усул ва воситалардан маҳорат билан фойдаланиши талаб қилинади.

Яъни:

1. Ўқитувчидан жамоа аъзоларини янги шароитга (мактабнинг 1-синфидан бошлаб) мослашув даврида уларга ишонч, ҳурмат, хушмуомилалик, талабларни тўғри қўя билиш, шу билан бирга ўқувчини тушуниш ва эшита билиш маҳоратига эга бўлиш.

2. Ўқувчилар жамоасидаги етакловчи куч-таянч ўзагини танлаш.

3. Жамоа аъзоларининг ҳар бирининг кучига, қобилиятига қараб топшириқлар бериш.

4. Жамоада янги анъана, қонун-қоидаларнинг дастлабки куртагини яратиш ва унга амал қилиш.

5. Жамоа истиқболини давр талаби билан мослашган ҳолда белгилаш талаб қилинади. Бунда жамоатчилик ҳис-туйғулари юқори синфда ривожланиб мустаҳкамланади.

III БОБ. РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ-МАРИФАТ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИ

3.1. Республика маънавият-марифат марказини мақсади ва вазифалари.

Маънавий-ахлоқий ва маърифий тарбия жараёнлари давлат сиёсатининг устувор йуналишларидан эканлиги И.АҚаримов то-монидан таъкидланган. Маънавий ахлоқнинг вужудга келиши жа-миятни қайта қуришга нисбатан узоқроқ давом этадиган ва қийин амалга ошадиган жараён ҳисобланади.

Қадимдан давом этиб келаётган маънавий ахлоқ, урф-одатлар, анъаналар тарихи кўпгина халқлар томонидан яратилган умумбашарий қадрият, шунинг учун ҳам уни илмий стандартлар билан қиёслаш, бирон бир муайян мафкура доирасида чеклаш мумкин эмас. Бу тушунча инсоният учун, ҳар бир халқ учун, ҳар бир оила ёки шахс учун бебаҳо бойлик ва мулк ҳисобланади.

Ана шу меросни ўзлаштирган ҳар бир шахс ўз ақлий, маънавий ва маданий ривожланиш даражасида уни янада такомиллаштириб, келгуси

авлодга мерос қилиб қолдиради. Президент И.А.Каримов «маънавийлик ва ахлоқийлик» деган мураккаб тушунчани содда қилиб ифодалаб берди. Инсон учун маънавий ахлоқ ҳаво билан сувдай зарур. Чқлда йўловчи булоқдан ўз чанқоғини қондиради, худди шундай инсон маънавий ахлоқ манбаини қидиради, кўпгина азоб ва қийинчиликлардан қтиб, маънавий ахлоқ жилғасини топади. Замин, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, ққшнилари, халқ, давлат истиқлолига садоқат, инсонга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик - булар маънавий ахлоқ моҳиятини англатади, санаб қтилган мазкур тушунчаларнинг саноғи жуда кенг.

Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифат ишларидан асосий мақсад давлат мустақиллиги шароитида ўқувчилар ва талабаларга ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топиши, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши, шахсий камолот йўлини аниқлаб олишини маърифий таъминлашдир.

Маънавият-маърифат жамоатчилик марказини ташкил қилишдан кўзланган мақсад истиқлолнинг таянчи бўлган маънавиятни илдизи чуқур Ўзбек халқининг бой маданий-маънавий мероси, шарқона умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида барқарорлиштириш, тиклаш, бойитиш ва ўзлаштиришдан иборат эди, десак муболаға бўлмайди. Маънавияти баркамол жамият мустаҳкам ва кучли бўла олади. Маънавий-ахлоқий муҳит соғлом бўлса, мамлакатимиз бугуни ва келажаги, истиқлол ва равнақи барқарор ва мустаҳкам бўлади. Шунинг учун ҳам марказнинг энг муҳим вазифаларидан бири мамлакат ва миллат келажagini белгиловчи илғор ғояларни юзага чиқариш, ҳаётга татбиқ этиш, жамиятимизнинг ҳар бир фақаросида янги тафаккур, дунёқараш, иймон-эътиқод, келажакка ишонч билан қаровчи, халқи, ватани, юрти учун ёниб яшовчи фидоий кишиларни тарбиялаб етказишдан иборатдир. Фуқаролар маънавий-ахлоқий қобилиятларининг ривожини ва такомиллашуви ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш борасидаги вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда муҳим омиллардан биридир. Бу жараён ўз-ўзидан назарий ва амалий натижалар беролмайди. Яъни, Президентимиз айтганларидек, маънавият – тақдирнинг эҳсони эмас. У

инсоннинг, халқ, давлат, жамиятнинг куч-қудрати ва бебаҳо бойлигидир. Бу бойлик инсонлар ўртасида ҳукм сураётган ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий муносабатлар маҳсулиди. Унинг кадриятлари инсон учун ҳаводек, сувдек, қуёш нуридек зарур соғлом муҳит яратувчи ҳақиқий мезондир, истиқлол ва истиқболимиз таянчидир. Маънавиятни мустаҳкамлаш ва бойитиш учун меҳнат ва маблағни аяш ўз келажагимизга болта уриш демакдир, дейди президентимиз.

Мазкур масалада энг муҳим амални алоҳида таъкидлаш лозим. Бу истиқлолдир. Истиқлол шарофати билан, истиқлол тақозоси бигун халқ ҳам, ҳукумат ҳам маънавият ва маърифатнинг тақдири ҳақида қайғуришга имкон ва имтиёз топди.

Ўн йилликлар давомида ота-боболаримиз орзу-армон қилган миллий истиқлолга эришиш, мустақил давлатчилигимизни тиклаш бизга насиб бўлган экан, демак, биз бахтиёр авлодмиз. Аммо бу бахтни асраб-авайлаш, унинг пойдеворини устувор қилиш ҳам бизнинг зиммамиздалигини унутмаслигимиз керак. Чунки истиқлол – байрам эмас, у миллат ва мамлакат келажагини белгиловчи кураш жабҳаси ҳамдир. Бу истиқлолга масъуллиқ ҳиссини ҳар бир инсон онгида барқарор қилмоқ жабҳасидир. Кураш бор жойда оғирлик ва машаққат бўлиши шубҳасиздир. Машаққатни эса маънавий қудратга, маърифий руҳга эга бўлган тақдирдагина эришиш мумкин.

Юзаки қараганда иқтисодиёт билан маънавийт бир-бирига зид, бир-бирига сиғишмайдиган тушунчаларга қўшаб туюлади. Аммо аслида маънавият ва иқтисодиёт бир-бири билан боғлиқ, бир-бирини тақозо этувчи, бир-бирига таъсир этувчи, миллат ва давлат тараққиётининг икки қаноти. Қуш бир қаноти билан учолмаганидек, бу иккала омилнинг ҳамжаҳат ривожланишигина самарали, кутилган натижаларга олиб келади. Яъни иқтисодийравнаўнинг пастлиги маънавиятимиз даражасига нечоғли салбий таъсир кўрсатса, миллатнинг маънавий суствлиги иқтисодий тараққиётнинг ортга кетишига сабаб бўлади. Демак, миллий тараққиётнинг икки омили –

иқтисодий ва маънавий ислохотларни уйғун этган давлат ва жамиятгина юрт истиқболининг равшан бўлишига кафолатдир.

Маънавият – маърифат республика жамоатчилиқ марказининг низомида бу жамоат ташкилотининг ҳозирги ўтиш босқичида ва истиқлолнинг истиқболини таъминлаш йўлидаги кенг қамлаб маданий-маърифий вазифалари белгилаб берилган. Жумладан, у халқимизнинг азалий кадриятлари, удумлари, анъаналари ва ўлмас бой меросидан фойдаланиб, халқимизнинг, давлатимизнинг келажагини белгилайдиган маънавий омилларни шакллантиришга қўмаклашиши зарурлигини алоҳида таъкидлаган. Зиёлилар фаолиятини мустақил мамлакатда Ўзбек миллатининг бирлиги, унинг гуллаб-яшнашининг улкан имкониятларини очиб берувчи мавзуларга йўналтиришдек аниқ, лекин жуда қийин вазифани бажариш ҳам мана шу марказ зиммасига юклатилгани муносабати билан айрим режаларни белгилаб олиш зарурати пайдо бўлган эди. Юотбошимиз таъкидлаганларидек, маънавият ва маърифат марказининг бош вазифаси зиёлилар ва кенг жамоатчилиқ иштирокида Ўзбекистондаги маънавий муҳитни янада яхшилаш, маърифий ишларни таракқий эттиришнинг оқилона, ҳаётда ўзини оқлайдиган йўллари топиш қилиб белгиланади. Бу борада кенгаш аъзолари жамоатчилиқ фикрига, жамоатчилиқнинг ёрдамига таяниши таъкидланди. Марказнинг биринчи навбатдаги вазифаси – Ўзбекистондаги зиёлиларнинг, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган кекса отахонларнинг фикрларига таянишлари лозимлиги бир қанча катта минбарларда шам айтиб қтилди.

Жамиятнинг вазифаси - қайси соҳа кишиси бўлмасин, уни маънавий қашшоқликдан қутқариш, одамларда миллий ҳис-туйғуни уйғотиш ва уни ривожлантириш. Мустақилликка эришилгандан сўнг биз энди ҳамани баб-баравар саводзон қиламиз, ҳамма тенг билимдон бўлиши керак, деган сохта шиорбозликдан йироқлашилди. Ҳамма тенг маърифатли, юксак маънавиятли бўла олмайди. «Маънавият ва маърифат» марказининг вазифаси – одамларни халқимизнинг бой маданий меросидан хабардор қилиш, ақлли одамларнинг

шуурини халқ ва Ватан истиқболи, истиқлолимизни мустаҳкамлаш йўлида сарфлашга йўналтирилсин, деб кўрсатган эди Шукрулло¹.

Вазирлар Маҳкамасининг қароридан маълум бўлдики, бу марказ жуда муҳим вазифаларни ҳал қилишда давлат ва халқ ўртасида, қтмиш билан бугун ва келажак ўртасида кўприк вазифасини қтайди. Сўнгги йиллар давомида юртбошимиз раҳнамолигида талай маънавий қадриятларимиз ҳаётимизда ўз ижобатини топмоқда. Айниқса, маҳаллаларда бошлаб юборилган хайрли ишлар халқимиз жуда катта маънавий уйғониш тўққинини ҳаракатга келтирди. Маҳалла орқали миллатимиз руҳидаги энг пок, самимий туйғу ва анъаналар қайтадан бқй кўрсатди. Янги ташкил топган марказ ҳам маҳаллалар билан яқин ҳамкорликда фаолият кўрсатади, деб умид биладирган ҳолди, эндиликда миллий истиқлол мафкураси ва маънавиятини яратиша маҳалла ва марказ ҳамкор ва ҳамқадам бўлиши лозимлиги шубҳасиздир.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан «Маънавийт ва маърифат» маркази зиммасига мамлакатимиз маданий-маънавий истиқболини белгиловчи ғояларни илгари суриб, уни замон синовидан ўтказиб, ҳаётга татбиқ этиш вазифаси юкланганлиги яққол сезилиб турибди. Маънавиятимиз илдизларини мустаҳкамловчи хайрли ғоя ва ишлар эса кўпинча халқ орасида туғилади. Шу боис «Маҳалла» жамғармаси ҳам одамлар билан мулоқот ва мунозараларда кўприк бўлиши мумкин. Ўз навъатида марказ томонидан ишлаб чиқилиб, тавсия қилинидиган ёки йиғиладиган илму маърифат зиёсини кенг халқ оммаси орасига ёйишда ҳам марказ қўлидан келганича ёрдам кўрсатиши лозимлигини таъкидламоқ зарур.

«Кадрлар таёрлаш миллий дастури»да маънавий-ахлоқий тарбия, маърифий ишлар кадрларни тайёрлаш тизими ривожланишининг муҳим йўнаалиши сифатида белгиланди. Бу мақсадга эришишнинг амалий жиҳатдан ҳал қилиш лозим бўлган вазифалари қуйдагилар¹:

¹ Истиқлол йўли. Тузувчи Ш. Мансуров.Т., 1995, 95-б.

¹ Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндашувлар. Т., 2002.

- маънавий-ахлоқий тарбия моҳияти, шахсинг камол топиши, инсоннинг фаол фаолияти жараёнида яратилган илмий ва методик муаммоларни мунтазам ўзлаштириб бориш;

- маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар усуллари, миллий, умумбашарий, диний мерос ва кадрлардан самарали фойдаланиш йўллари аниқлаш;

- маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар жараёнини бошқариш тизимини такомиллаштириш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий эҳтиёжларини самарали қондириш;

- маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар бўйича зарур иш режасини тузиш, уларни амалга оширишни назорат қилиш;

- маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар бўйича амалий қоидалар ва методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар бўйича тадбирларга таълимнинг барча босқичларида устувор аҳамият бериш;

- ҳуқуқбузарликка барҳам бериш ва ҳуқуқий таълим бўйича ишларни ҳуқуқий ҳимоя қилувчи органлар билан биргаликда амалга ошириш;

- ёшлар ўртасида олиб бориладиган маънавий-ахлоқий ва маърифий ишларни уюштириш масалаларига бағишланган илмий, методик ва амалий адабиётлар, қўлланмаларни тайёрлаш, уларни оммавий нашр этиришни таъминлаш;

- ўқувчи ёшларнинг бқш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш;

- ўқув юрларининг ётоқхоналарида яшайдиган талабалар ва ўқувчилар эҳтиёжлари устидан доимий назоратни таъминлаш;

- спорт соғломлаштириш мажмуалари, коммунал хизмати, ўқувчи ва талабалар маданий дам олиш муассасалари мунтазам ва сифатли ишлаб туришини таъминлаш;

- кўп болали оилалардан чиққан, кам таъминланган ўқувчилар ва талабаларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича доимий иш олиб бориш;

- таълим муассасаларини ота-оналар, маҳалла оқсоқоллари, хайрия жамғармалари ва маҳаллий ҳокимлар билан биргаликда келишиб ишлашини таъминлаш;

- ўқув юртларида маънавий-маърифий ишлар бўйича тадбирлар ўтказишни мунтазам ёритиб боровчи кўп тиражли газеталар чиқиб туришини таъминлаш;

- талаба ёшлар ўртасида танловлар, фестиваллар, олимпиада, спартакиада ва бадий хаваскорлик тўғрисида ташкил этиш, кўрсатмаларни доим ўтказиб туриш;

- республикада, вилоятларда ва шаҳарларда ўтказиладиган турли ижтимоий тадбирларда профессор-ўқитувчилар ва талаба ёшлар иштирокини таъминлаш;

- «Маънавият ва маърифат» маркази билан яқиндан алоқа қўришиш ва ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш бўйича биргаликда тадбирлар ўтказиш;

- Ўзбекистонда тинчлик ва хотиржамликни таъминлаш учун ёшларда масъулият туйғуси ва бурчини шакллантириш;

- миллий маданий марказлар билан яқиндан алоқа қўришиш, маънавий-ахлоқий тарбия бўйича биргаликда иш олиб бориш, ёшларда бошқа халқлар тарихи, маданияти, қизиқишига ҳурмат билан қараш туйғусини шакллантириш;

- ёшларни аждодларимизнинг бой мероси билан таништириш учун қадимий шаҳарларга ва музейларга экскурсиялар уюштириш;

- маънавий-ахлоқий тарбиянинг таъсирли воситаси бўлган халқ ва она-юрт қўлини куйловчи музей экспонатлари билан ёшларни мунтазам таништириб бориш;

- аниқ режа асосида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни назарда тутиб, ёшларнинг касб танлашида уларнинг онгли муносабатларини шакллантириш;

- ўқувчиларни мусиқа-бадий маданият даражасини ошириш, ёшларни жаҳон ва миллий бадий, мусиқавий маданият дурдоналари билан мунтазам таништириб бориш;

- радио, телевидение ва матбуотда маънавий-ахлоқий тарбия мавзусида чиқишлар ташкил этиш, миллий маънавият ва ахлоқ масалаларини кенг тарғибот қилиш;

- тарбиявий ишларнинг хилма-хил йўналишлари самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар киритиш.

Жамоат ташкилотлари, корхона ва муассасаларнинг ташаббуси билан мамлакатимизда "Маъданият ва маърифат» республика Кенгаши ташкил этилди. Унинг ижроя органи - Маънавият ва маърифат маркази тасдиқланган низоми ва истиқбол режасига мувофиқ ўз ишларини ташкил этади. Марказ маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифат билан боғлиқ фаолиятини «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, муассаса касаба уюшма ташкилотлари, «Соғлом авлод учун», «Оила», «Экосан» бошланғич ташкилотлари, хотин-қизлар кўмиталари, педагоглар ва талабалар кенгашлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан келишган ҳолда олиб боради. Тарбиявий ишларда тажрибали тарбиячилар, оқсоқоллар, маҳалла бошқарувлари ва ҳ.к. тавсиялари ва фикрлари ҳисобга олинади.

Маънавият ва маърифат масалалари Ўзбек халқи ва бутун Ўзбекистон фуқароларини янада яқинлаштиради, мулоҳазакор, андишали ва собитқадам қилиб тарбиялайди. Марказнинг диққат-эътиборида турган вазифалардан яна бири маънавий маърифат ишларини мустаҳкамлаш, тинч-тотувлик, барқарорликни сақлаш, минтақада яшайдиган миллат ва элатларнинг маданий, маърифий, маънавий, ахлоқий тараққиёт илдизлари муштараклигини таъминлаш ҳамда бу борада жамиятдаги соғлом кучлар, юксак истеъдод ва тафаккур соҳибларининг ижобий, фидоий фаолиятларидан Ватанимиз истиқболи йўлида унумли фойдаланишдан иборатдир.

Марказ зиммасига юкланган вазифалар кенг қамровли ва масъулиятлидир. Улар маънавий ва маърифатни инсон, миллат ва жамият ривожига таъсири, миллат тафаккури, давлат тараққиётида тутган ўрнидан келиб чиқан ҳолда белгиланган. Марказнинг биринчи галдаги вазифаси сифатида жамиятдаги соғлом кучларни – юксак истеъдод ва тафаккур соҳибларининг ақлий-ижодий салоҳиятини Ватан ва миллат манфаатлари йўлига хизмат қилдиришга йўналтиришдан иборат бўлмоғи даркорлиги таъкидланган. қолган вазифалардан кўзланган мақсадимиз – мустақилликка масъуллик ҳиссини, миллий ғурур ҳиссини тарбиялаш, миллий ўзлигини англаган ҳар бир инсонда она юрғга садоқат ва муҳаббатни камол топтириш, ижтимоий билимдарни оммалаштириш, жамиятда сиёсий маданиятни юксалтириш, шу муқаддас тупроққа эгалик, демак, уни ҳимоя қилиш, асраб-авайлашдек олижаноб фазилатларни, интилишларни шакллантиришдир¹. Марказнинг фаолияти мамлакатимиз Президенти томонидан баён этилган мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари замирида ташкил этилади. Бу негизлар: умуминсоний қадриятларга содиқлик, халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши, ватанпарварликдир.

Ўзбек халқининг миллий-маънавий бойликлари жаҳон халқлари тараққиётида муҳим омил бўлганлигини дунё аҳли эҳтиром билан таъкидлайди. Бу кейинги 14 йил мобайнида республикамиз раҳбарияти ташаббуси билан эъозланаётган тадбирлар чоғида ҳам яққол намоён бўлди. Исмоил ал-Бухорий, баҳоуддин Нақшбанд, ат-Термизий каби алломалар, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Мирзо Улуғбек каби мутафаккирларимизнинг ЮНЕСКО раҳнамолигида ўтган муборак тқйлари кунларида бизнинг боболаримиз яратган маданий-маърифий мерос умуминсоний қадриятларнинг бебаҳо дурдоналари сифатида эътироф этилди.

¹ Истиклол йўли, 97-б.

«Маънавият ва маърифат» марказининг зиммасига юкланадиган вазифалардан яна бири – миллий кадриятларни умуминсоний кадриятлар билан уйғунлаштиришдан иборатдир. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос кадриятлари бор. Бу унинг тили, тарихи, маънавияти, унинг бугунги ўзига хос тараққиётининг ифодаси. Лекин бирор миллат ўз кадриятини бошқа миллатлардан ажратиб олиб ярата олмайди. Ҳар бир миллат маънавиятида ўзига хос томонлар бўлсаям, у умуминсоний кадриятларнинг бир томони, бир қисмидир. Бошқа миллатларнинг кадриятлари ва маънавиятини билмаган халқ ҳеч қачон ўз миллатининг кадриятларини, ўз маънавиятини била олмайди. Шунинг учун Ўзбек миллий маънавияти ва кадриятлари тараққиётини умуммиллий, умуминсоний кадриятлар боғлаш масаласи қўйилган.

Марказ олдидаги муҳим вазифалардан яна бири – Ўзбек миллий кадриятларини умуминсоний кадриятлар тизимида, умуминсоний маънавий камолотга қўшган ҳиссасини чуқурроқ очиб бериш. Яна бир муаммо – Ўзбек халқининг маданий мероси масаласидир. У бир улкан денгиз бўлса, ҳозирги кунда биз унинг бир томчисини биламиз, холос. «Маънавият ва маърифат» марказининг яна бир вазифаси – халқ донишмандлиги меросини ўрганиш ва уни ўз қонуний эгаси – халққа қайтаришдир. Марказ, аввало, Ўзбек маънавиятини билгиловчи тамойилларининг уйғун ривожланишига эришмоғи керак. Яъни, миллий кадриятлар умуминсоний ғоялар билан, ижтимоий, маданий-маърифий тараққиёт амалиёт билан, иқтисодий ислохотлар маънавий соҳадаги ўзгаришлар билан биргаликда амалга оширилса кутилган натижани олиш мумкин. Шарқ ҳикмати ва Ғарб ишбилармонлиги билан муштарак бўлгандагина муваффақиятлар қўлга киритилади. Шу билан бирга унутмаслик керакки, биз тиклайдига янги дамият биноти учун биринчи галди миллий кадриятлар устун бўлмоғи керак. Биз миллий ўзлигимизни англамоғимиз, тафаккуримизни кашф этишимиз ва кенгайтиришимиз керак.

Тарихдан маълумки, ягоналик, ҳамжихатлик бор жойда куч-қувват, осойишталик бўлади, фидоийлик, инсонийлик, одамийлик тарбияланади. Юртимиз озодлиги учун жонини фидо қилган Маҳмуд Торобий, Самарқанд сарбадорлари жқмардлар аҳлидан эдилар. жқмардлик фақат яхшиликни қйлаб, яхшилик қилишдан чарчамаслик, умрни дқстлар хизматиға бағишлаш, борини ўзгалар билан баҳам кқриш, ёру дқстлар номусу шарафини ҳимоя қилиш, тирикчиликни ҳалол нон билан кечириш, элдан яширин бирон иш қилмаслик, барчаға инсоф – мурувват кқрсатиш ва эвазига ҳеч нима талаб қилмасликдай беқиёс маънавий қудрат эдики, жқмардлар пири бўлган Паҳлавон Маҳмуд бу ҳақда шундай деган эди¹:

Олам фили қайтаролмас журъатимиз,
Чархдан зқррок қудратимиз, шавкатимиз.
Гар чумоли кириб қолса сафимизга
Шер этажак дарҳол уни давлатимиз.

Ҳазрати пир тилға олган давлат – маънавий бойлик, ягона оила туйғуси, имон поклиги эди. Миллий маънавиятимиз мана шу қадриятлар ва ғоялар замирида шаклланмоғи лозимдир.

«Маънавият ва маърифат» марказини иш фаолиятини бошлаш тўғрисидаги республика ҳукумати қарорида марказ олдиға ққйилган асосий йўналиш кўрсатиб берилган. Шулардан келиб чиқиб, жамоатчилик маркази қуйидаги вазифаларни бажариши лозимлигин айтиб ўтиш мумкин¹:

1. Марказ биз қандай юртнинг фуқароларимизу, кимларнинг фарзандлари эканимизни теран ҳис этишға ёрдам бериш;
2. миллий ғурур туйғусини шакллантирувчи воситаларни кўпроқ тарғиб қилиш;
3. миллий онг шаклланишиға хизмат қилувчи маънавий-маърифий бойлигимиз, меросимиз билан таништириш;

¹ Истиклол йўли, 99-б.

¹ Истиклол йўли, 100-101 бб.

4. жамиятнинг ҳар бир аъзосида ўз ижтимоий вазифасини бажаришга масъуллик туйғусини қарор топтиришда, барчи ва ҳуқуқларини теран англашда ққмаклашиш.

Айтиш мумкинки, Маънавият ва маърифат маркази юқоридаги вазифаларни изчиллик билан бажариб келмоқда. Бундан ташқари, Марказ жамият тараққиётига мос равишда ўз фаолиятини такомиллаштириб ва ривожлантириб келаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

3.2.Марказ фаолиятининг асосий соҳа ва йўналишлари.

«Маънавият ва маърифат» Республика марказида маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифат ишларини амалга ошириш йўналиши, шакллари ва методлари ҳақида бир неча оғиз гапириб қтамиз.

«Маънавият ва маърифат» республика марказининг тарбиявий-маърифий ишларини амалга ошириш бўйича қандай амалий тадбирлар ққрилмоқда?

Биринчи навбатда - "Маънавият ва маърифат» республика маркази кенг тармоқларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, иш

медодлари ва шакллари такомиллаштириш ва муваффақиятли таъсир кўрсатишларини таъминлашдан иборат.

"Маънавият ва маърифат» республика маркази ташкил топгунича мамлакатимизда маърифат тарғиботи ва миллий маънавий тарбия масалалари билан шуғулланувчи республика Фанлар академиясининг турли илмий-тадқиқот институтлари, Маданият ишлар вазирлигининг республика маънавий, маданият тарғиботи маркази, республика Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон зиёлилар илмий-маърифий уюшмаси каби ўнлаб ташкилот ва жамиятлар шуғулланир эдилар. "Маънавият ва маърифат» республика марказининг фаолияти ўзга турдош ана шу ташкилот ва жамиятлар фаолиятлари билан нимаси билан фарқ қилади? Бу саволга таниқли файласуф, марҳум академик Э. Юсупов шундай жавоб берган эди: «У тарғибот маркази эмас. Илмий тадқиқот институти ҳаммас. Жамият тараққиётига хизмат қиладиган ғоялар, фикрлар, халқ донишмандлиги каби медалари кабиларни тўқлайди ва уларни омма руҳига сингдириш омилларидан фойдаланади. Қисқича қилиб айтганда, у халқимизнинг миллий онгини янада қтиришга, Ўзбек миллий қиёфасини яратишга фаолиятини бахшида этган кишилар уюшмаси»¹.

Демак, "Маънавият ва маърифат» республика маркази халқимизнинг турли қатламлари яратган барча маънавият ва маърифатга, иэтимойёт ва сиёсатга дахлдор удумлар, кашфиётлар, фикр ва мулоҳазалар, ғоялар энди давлат эътиборида бўладиган бўлди. Марказнинг тўртта бўлими бўлши кўзда тутилган эди:

1. Умуминсоний қадриятлар ва миллий қадриятлар бўлими.
2. Миллий урф-одатлар, анъаналарни ўрганиш ва маънавий-маърифий истиқбол тадидотлари.
3. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти бўлими.
4. Ғоялар, фикрлар ва дастурлар жамғармаси.

Бундан ташқари марказ қошида «Донишманд мўйсафидлар

¹ «Халқ сўзи» газетаси, 1994 йил, 30 июн.

давраси», бундан ташқари марказнинг нашри бўлажак «Тафаккур» журнали ва мазкур журнал қошида «Тафаккур» номли доимий давра ҳам ташкил этилиши кўзда тутилган эди. Бу ўринда "Маънавият ва маърифат» республика марказининг нашри ҳисобланган «Тафаккур» журнали ва бу журналнинг халқимизнинг маънавий-маданий ҳаётида ташкил этилгандан бошлаб ҳозиргача – ўн йил даврида улкан ишларни амалга оширганлигини алоҳида эътиборга олиш керак.

Марказ иш йўналишларидан бири - Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати кўрсатмаларини ўз вақтида ўқувчилар, талабалар, профессор –ўқитувчилар таркибига ва ташкилотларига уларни ҳар томонлама ўрганиш учун етказиш. Бунинг учун таълим ва тарбия билан шуғулланувчи барча муассасаларда турли учрашувлар, мунозаралар, суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ва бошқалар ўтказилади.

Ёш авлод тарбияси билан шуғулланувчи таълим муассасалари ўқитувчилари "Маънавият ва маърифат" маркази билан қуйидаги мавзуларда суҳбатлар уюштиришлари мумкин:

1. Миллий, диний ва умумбашарий қадриятлар.
2. Миллий истиқлол ғояси: маъно ва моҳияти.
3. Ажойиб кишилар ҳаёти ва кўп қиррали ижодий фаолияти.
4. Атроф-муҳит муҳофазаси ва табиатни асраш.
5. Ҳаётга муҳаббат ва камолот сари интилиш.
6. Билимга ҳавас қўйиш.
7. Халқимизнинг буюк маънавий мероси.
8. Ўзбекистон - келажаги буюк давлат.
9. Табиатни асраш – муқаддас бурчимиз.
10. Санъатдаги ҳаёт.
11. Юқори ахлоқли шахс.
12. Жамиятда шахснинг роли.
13. "Ўзбекистон бизнинг умумий уйимиз" ва бошқалар.

Ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашни йўлга қўйиш ва ривожлантириш ўқувчиларни индивидуал ривожлантиришнинг ҳар бир босқичида уларнинг интеллектуал имкониятлари, билимлари ва эҳтиёжлари эътиборга олиниб ўтказилади.

«Маънавият ва маърифат» марказининг маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишларини амалга ошириши тўрт босқичга бўлинади. Бунда болалар ва ўсмирларнинг ёшларига қараб иш шакли, методи ва воситалари қўлланилади¹.

1-босқич. Бошланғич босқич-мактабгача таълим муассасаларида ва оилада маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар назарда тутилади.

Халқ оғзаки ижодининг турлари хилма-хил: болаларда ҳурмат ва муҳаббат туйғулари, шон-шараф ва қадр-қиммат хусусиятларини ривожлантирувчи эртак, дoston, афсона, халқ мақоллари, маталлар воситасида ахлоқий, миллий ва умумбашарий қадриятлар билан таништириш, уларга нисбатан ҳурмат ҳиссини тарбиялаш, ижодкорлик, яратувчилик, табиатга нисбатан муҳаббат уйғотиш юзасидан шарт-шароитлар вужудга келтириш. Оилада ва жамиятда, тугаракларда, болалар боғчасида ахлоқ қоидалари билан таништириб бориш.

2-босқич. Умумтаълим мактабларида маънавият, ахлоқ асосларини шакллантириш.

Умумий ўрта маълумот берувчи таълим муассасаларида тарбия жараёни икки даражага бўлиб ўтказилади:

1) бошланғич таълим учун (1-4-синфлар);

2) умумий ўрта таълим учун (5-9-синфлар);

бошланғич мактабда тарбиявий ишларни такомиллаштиришга йўналтирилган дастурда қуйидагилар назарда тутилиши мумкин:

1) маънавий-ахлоқий ва маърифий ишларни таъминлашга йўналтирилган фильмлар, адабий асарлар яратиш, улардан машғулотларда ва

¹ Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндашувлар. Т., 2002.

дардан ташқарида фойдаланиш, улар юзасидан мунозара ва мусобақалар ўтказиш;

2) улуғ аждодларимиз юбилейлар ва байрамлар саналарига бағишланган адабий кечалар, бадиий чиқишлар ташкил этиш. 5-9 синфларда маънавий ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар ўтказиш:

а) бошланғич касб-ҳунар малакаси, миллий ҳунармандчиликка йўналтирилган ишлар ва машғулотлар;

б) экологик тарбия, экология, табиат муҳофазасига оид билимларни ўзлаштириш;

в) соғлом ҳаёт тарзи ва хавфсиз ҳаёт фаолияти асосларини шакллантириш;

г) диний таълим ва халқ оғзаки ижоди материалларидан фойдаланиш;

д) ҳуқуқий саводхонликни ошириш, ўқувчи ёшларга жамият олдидаги бурчи ва масъулияти тўғрисида тушунтириш.

Булардан ташқари мактабда ўтказиладиган тарбияний тадбирлар - қизлар ва қсмирлар гигиенаси бўйича дастур, дарслик ва ўқув қўлланмасини яратиш, оила куриш, зарарли одатлар, алкоголизм ва гиёҳвандликнинг олдини олиш ва бошқа масалаларни ўз ичига олади.

3-босқич. Академик лииейлар ва касб-ҳунар коллежларидаги маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар.

Бу босқичда қуйидагилар алоҳида аҳамиятга эга:

1) ўқувчиларда инсонпарварлик ғоялари ва тамойиллари, фидоийлик, ватанпарварликни янада шакллантириш бўйича фаолият кўрсатиш;

2) миллий ўзлигини англаш, истиқлол ва демократик ғояларга садоқат, миллий ғурурни тарбиялаш;

3) махсус адабиётлари ўрганиш, экологик маданиятни шакллантириш, шахснинг ички ва ташқи гўзаллигини, бадиий дидини ривожлантириш;

4) ўқувчилар ишлаб чиқариш асослари ва ишлаб чиқариш мунсабатларини, меҳнат интизоми қоидалари ва меҳнат тўғрисидаги қонун асосларини ўзлаштириши учун семинар ва конференциялар ўтказиш;

5) маънавий-ахлоқий кадриятлар, миллий расм-русумлар ва анъаналарли шакллантириш, оилавий ҳаёт маданиятини тарбиялаш учун адабий-бадий кечалар ўтказиш, маҳалла фаоллари ва намунали оилалар билан учрашувлар уюштириш.

4-босқич. «Маънавият ва маърифат» марказининг олий таълим муассасаларидаги фаолияти қуйидагиларга қаратилган бўлмоғи лозим:

Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишларга жавоб берувчи биринчи проректор қуйидаги булинмалар фаолиятии ташкил этади:

- «Маънавият ва маърифат» марказининг олий ўқув юртидаги бўлими;
- талабалар орасида маънавият ва маърифат масалаларига бағишланган семинар, диспут, конкурс ва турли учрашувлар ўтказиши;
- миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгида шакллантириш чоратadbирларини амалга оширади;
- ижодий конкурс, спорт мусобақалари, ғалибларнинг чиқишлари, ишларнинг кўргазмаларини ташкил этади;
- маданият саройи (клуби), жисмоний тарбия ва спорт муассасаси;
- нашриёт ва кўп тиражли газета ташкил этиши;
- талабалар (ётоқхона) мажмуаси, жамоатчилик комиссиялари.

Бундан ташқари, талабаларнинг ота-оналари билан яқиндан алоқа қилнади, яхши ўқийдиган, намунали хулқли талабаларларни рағбатлантиради, иқтидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлайди.

Баркамол шахсни камол топтириш бугунги куннинг асосий талаби ҳисобланади.

Талабанинг «Мен»и орқали юзага чиқиши мумкин бўлган имкониятлар қуйидаги тартибда аниқланади:

- ўқув-методик ишларни янги технологик талаблар даражасида ўзлаштири олиши;
- илмий-тадқиқот ишларида фаол қатнашиши;
- янги фикр ва ғоялар билан чиқиши;
- ижодкорликка интилиши;

- соғлом авлод тарбиясида ўз хиссасини ққша олиши;
- ўзини ўзи таҳлил эта олиши ва ўз ишига танқидий муносабатда бўлиши, вақтни тақсимлай олиши ва ундан унумли фойдалана билиши;
- эгаллаётган касби ҳаёт фаолиятида онг ва дунёқарашининг бойишига, касбий ва маданий камолотга эришувига олиб келишини англаши;
- ўқитувчилик касбини ижодий меҳнат эканлигини ҳис этиши;
- ўзининг касбий фазилатларини баҳолай олиши;
- сўз ва иш бирлиги ҳар доим бир-бирини тқлдириб боришини англаши;
- ўз олдига қўйган мақсадларига эриша олиши;
- таълим-тарбия жараёнида ноанъанавийлик муносабатини қўллашга интилиши;
- бозор муносабатлари ва янги мулкчилик шароитида ижодий фаолият кўрсата олиши;
- ижтимоий буюртма ва таълим стандартлари талабларини бажара олиши;
- замонавий педагогик ва ахборот технологияларини амалга татбиқ эта олиши;

Юқоридаги ҳолатларнинг барчасида ОҚЮда ташкил этилган маънавият ва маърифат марказларининг фаолиятлари билан бевосита боғланган ҳолда олиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Инсон табиий-ижтимоий мавжудот сифатида ўзининг моддий эҳтиёжлари қаторида маънавий эҳтиёжларини ҳам қондира боради. Аммо ҳар қандай эҳтиёж негизида касбий-маданий эҳтиёж турмоғи лозим. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгилаб берилган «меҳнат бозори» айнан бозор муносабатлари шароитида амалга ошар экан, ҳар бир шахс ўзининг эгаллаган касбини юксак маҳорат ва маданият даражасида намоён этмоғи керак.

Ўзбекистон миллий мустақиллик мафкурасини шакллантириш ва комил инсон тарбияси илмий, тарихий ва ижтимоий долзарб мавзулардан эканлиги, бу борада халқимиз бой маънавий, айниқса илмий, фалсафий меросини, шу жумладан тасаввуфий-ирфоний қадриятларни ҳам ҳар

томонлама ўрганиш, кенг халқ оммасига етказиш, тарғиб ва ташвиқ этишни тақозо қилади.

Маънавият ва маърифат маркази ўз ишларини қуйидаги соҳа ва йўналишларда олиб бораётганлиги кузатилмоқда:

Умуминсоний қадриятлар ва миллий қадриятларни тиклаш. Қадриятлар кадри – мустақиллик шарофати ва истиқлол шукуҳи билан халқимизнинг кўплаб орзу-истаклари рўёбга чиқмоқда. Етмиш йил ичида йўл қўйилган хато-камчиликлар тузатилиб, ҳамма соҳаларда ҳақиқат тикланмоқда.

Қадриятларимизнинг олийси – Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳадислари тўплами Ўзбек тилига таржима қилинди ва нашрда чиқарилди. Улар инсонлар қилбига нур сочиб кираётганлигидан, намоз, рўза ва ҳаж зиёратларининг эркинлиги, Рамазон ва Қурбон ҳайитларининг кенг байрам қилиниши; халқона қадриятлар, яъни ақлий-маданий, маънавий – руҳий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, руҳий, меҳнат ва нафосат анъаналарининг байрам тусига кириши, Наврўз, Меҳржон (ҳосил байрами) каби мавсумий маросим байрамларининг тикланиши ва айримлари давлат миқёсида катта миллий байрам сифатида тантанали нишонланиши; ислом оламининг нуруний сиймолари: Имом ал Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, жаҳон илми фани ва миллий Ўзбек давлатчилигининг буюк дарғалари: ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улуғбек каби бир қатор намоёндаларнинг юбилейлари тантаналарининг нишонлаш мустақиллигимизнинг шарофатидандир.

Шарқона, биринчи навбатда Ўзбекона қадриятлар, унинг бош тимсоли бўлмиш ахлоқ-одоб нормалари, панд-насихатлар, ўғитлар, даъватлар йўл-йўриқлар ёш авлоднинг маданий, ахлоқий-руҳий, маънавий-маърифий камолоти ҳамда жисмоний етуклигида асрлар давомида муҳим, ҳал қилувчи ўрин тутиб келганлиги тарихдан маълумдир. Ўзбек қўлонлари ва қизларининг қтмиш давридаги маънавий-маърифий етулиги, таълим-тарбия, ахлоқ-одоб, жисмоний баркамоллиги қандай бўлганлиги ҳаммага маълум.

Маънавият тарбия билан шаклланади. Президентимиз И.Каримов ибораси билан айтганда, «Маънавиятда инсоннинг иймони, эътиқоди, ахлоқи, ҳаётнинг маъносини қандай тушуниши, ички дунёси намоён бўлади. Ватан, халқ олдидаги бурчини англаш ҳам юксак маънавият белгисидир. Маънавият баркамол инсон ўзининг савоб ишлари билан кечирган ҳаётидан рози кетади».

Кези келганда айтиб ўтиш керакки, халқимизнинг нечоғли куч-қудратга эгаллиги, унинг маънавий маърифати, ахлоқ-одоби, Ўзбекона табиати, миллий ғурури, орияти, қисқаси, маънавиятининг нечоғли ҳаётий, миллий ва умумбашарий эканлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Мустақиллик туфайли амалга оширилган энг буюк тарихий ишлардан бири халқимиз маънавий меросини тиклана бошлаганлигидир. «Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар давомида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий серосни тиклаш давлат сиёсати даражасига кқтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди» деб таъкидлаган эди Президентимиз. Мамлакатимизда азалий қадриятларни тиклаш бўйича кенг кқламли жиддий тадбирларнинг амалга оширилиши жамиятимизнинг маънавий «бино»сини қад ростлашига муҳим омил бўлмоқда. Натижада республикамизда маънавият соҳасининг янги тизими вужудга кела бошлади. Жумладан, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Таълим маркази», «Ўзбеккино», «Ўзбекнаво», «Ўзбектеатр», «Ўзбекмузей», «Ўзбекрақс», Бадиий академия, Ўзбек амалий санъати маркази, Миллий маданий марказлар, Ўрта Осиё маданият ходимлари ассоциацияси каби маданий-маърифий ташкилотлар ва кўплаб жамғармаларнинг тузилиши республикада маънавиятнинг асосий соҳаларининг таркиб топиши ва ривожланишига замин бўлди. Дарҳақиқат, Марказ томонидан миллий қадриятларни тиклаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг қамрови жуда кенг. Улар қуйидагилардан иборат:

- Қадимий тарихимизнинг ҳаққоний, чуқур ва ҳар томонлама қрганилиши, совет даврида таъғиғланган тарихий мавзулардаги асарларнинг чоп этилиши халқимиз тарихини тиклашда муҳим аҳамият касб этмоқда;

- халқ одатлари, маросимлар ва байрамларнинг тикланиши ва янги байрамларнинг жорий қилинишининг жорий этилиши халқ маънавий ҳаётига янги руҳ ва мазмун бағишламоқда;

- диний қадриятларнинг тикланиши, эски масжид ва мадарсаларнинг таъмирланиши, янгиларининг барпо этилиш, диний адабиётларнинг нашр этилиши, янги диний таълим муассасаларининг очилиши ва фаолият юритишига кенг имкониятлар яратилиши мамлакатимизда виждон эркинлигини таъминламоқда;

- дунё тараққиётига катта ҳисса ққшган аждодларимиз – буюк мутафаккирлар, давлат арбоблари маънавий меросидан халқимиз фахр билан фойдалана бошлади. Жумладан, Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд кабиларнинг асарлари халқимизга руҳий-маънавий қувват бермоқда. ЮНЕСКО ташаббуси билан жаҳон маданияти тараққиётига катта ҳисса ққшган давлат арбоблари ва алломаларнинг таваллуд кунларини ўтказиш одаларимизда миллий фахр туйғуларини юксалтирмоқда;

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, аждодларимиз меросини тиклаш бўйича қилинаётган ишлар кенг ққламли ишларимизни жаҳон ҳамжамияти тан олмоқда. Чунончи, бу борадаги оламшумул ишҳларимизни ўрганиш учун дунёнинг кўпгина мамлакатлари, АҚШ, Норвегия, Голландия, Франция, Германия, Туркия каби қатор мамлакатлардан келган мутахассис олимлар бу борада амалга ошираётган фаолиятимизга таҳсин айтмоқдалар.

Хуллас, Ватанимизда мустақиллик йилларида миллий қадриятларни тиклаш – миллий онгни ўстириш ва ўзликни англашда энг долзарб вазифадир шу сабабли маданий меросимиз бўлмиш халқ анъаналарини тиклашда Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ марказининг ўрни беқиёсдир.

И. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» китобида жуда аниқ ва мукаммал қилиб таърифланганидек, «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Бу – мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу – инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир»¹.

Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси, биринчидан, ўз тақдирини ўзи белгилайдиган, умумбашарий қадриятлар устуворлигига асосланадиган, инсонпарварлик қоидаларни тан оладиган демократик давлатдир. Иккинчидан, фуқаролар осойишталиги ва миллий тотувликни таъминлашни ўзи учун мақсад қилиб қўйган тинчликсевар давлатдир. Учинчидан, Ўзбек халқининг бой ижтимоий-маънавий меросига, миллий, маданий-маънавий, ахлоқий, тарихий қадриятлари, миллий урф-одат, удум ва анъаналарига таяниб иш тутадиган инсонпарвар давлатдир. Тўртинчидан, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни чуқур англаб ва ҳис қилиб фаол ички ва ташқи сиёсат олиб бораётган давлатдир. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда қарор топаётган давлат ва жамият – бу демократик, ҳуқуқий, одил, фуқаролик жамиятидир.

Ўзбекистон миллий, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қурилишида халқаро тан олинган демократик тамойилларга, ривожланган демократик давлатлар тажрибасига ҳамда кўп минг йиллик Ўзбек давлатчилиги тарихи ва ўзига хос миллий, маънавий, ахлоқий қадриятларга таянади¹. Мазкур жараёнда мамлакатимизда фаолият юргизаётган «Маънавият ва маърифат» марказларининг ўзига хос ўрни яққол сезилиб туради.

ХУЛОСА

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., 1993, 43-б; www.press-service.uz

¹ Ўзбекистон: 13 йил мустақил тараққиёт йўлида. 11-б.

Президентимиз мустақиллигимизнинг маънавий-ахлоқий негизлари тўғрисида тўхталиб, бу негизлар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- Ватанпарварлик¹ эканлигини кўрсатиб ўтганлар.

Мустақиллик асосларини шакллантиришда ва мустаҳкамлашда муҳим вазифалардан бири, ана шу бой маънавий меросни чуқур манбавий ва замонавий илмий принциплар асосида, шу жумладан ҳозирги замон фалсафа тарихи нуқтаи-назаридан ўрганиш, тадқиқ этиш ва тарихий, илмий ҳолис баҳолашдан иборатир. Ўтмиш маънавий меросимизни ҳолисона ўрганиш, тарғиб этиш, Ўзбек халқининг асл миллий-маънавий қадриятлари, тарихий ўзлигини, Ўзбекона руҳ ва менталитетини қайтадан тиклаш, замонавий мазмун бериш орқали мустақиллик мафқурасини шакллантириш учун асос бўлади.

"Маънавият ва маърифат» республика маркази халқимизнинг турли қатламлари яратган барча маънавият ва маърифатга, иқтисодиёт ва сиёсатга дахлдор удумлар, кашфиётлар, фикр ва мулоҳазалар, ғоялар энди давлат эътиборида бўладиган бўлди. Марказнинг тўртта бўлими бўлиши кўзда тутилган эди:

1. Умуминсоний қадриятлар ва миллий қадриятлар бўлими.
2. миллий урф-одатлар, анъаналарни ўрганиш ва маънавий-маърифий истиқбол тадиқидотлари.
3. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти бўлими.
4. Ғоялар, фикрлар ва дастурлар жамғармаси.

Бундан ташқари марказ қошида «Донишманд мўйсафидлар давраси», бундан ташқари марказнинг нашри бўлажак «Тафаккур» журнали ва мазкур журнал қошида «тафаккур» номли доимий давра ҳам ташкил

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.-Т., I том, 1996, 76-б.

этилиши кўзда тутилган эди. Бу ўринда "Маънавият ва маърифат» республика марказининг нашри ҳисобланган «Тафаккур» журнали ва бу журналнинг халқимизнинг маънавий-маданий ҳайтида ташкил этилгандан бошлаб ҳозиргача – ўн йил даврида улкан ишларни амалга оширганлигини алоҳида эътиборга олиш керак.

Ҳозирги даврда мустақил Ўзбекистоннинг келажаги бўлган ёш авлодни ҳар томонлама тарбиялаш энг асосий вазифаларимиздан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов "Жаҳон кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз - яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган. Мана шу улуғ туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши лозим", деб таъкидлаганлар.

Туйғу-мураккаб, руҳий, ахлоқий жараён. У шахснинг юксак, ноёб ва нозик ҳислари, ҳатти-ҳаракатлари орқали намоён бўлиб, ички кечинмаларда ўз аксини топади. Ватанпарварлик туйғуси қандайдир вақтинчалик ёки мавсумий ҳолда умумлашган тушунча эмас. Бу туйғу она сути ва алласи ҳамда авлодлар ўғити билан берилиши керак.

Мустақил республикамиз янги тарихий босқичга, XXI асрга қадам кўйди. Ўзбекистоннинг ҳозирги кундаги бош ва асосий мақсади – бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий, демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуришдан иборатдир. Бунинг учун ҳар бир Ўзбекистон фуқароси аввало, шахсий фаоллик, билимдонлик, Ватанга меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик каби олижаноб фазилатлар соҳиби бўлиши лозимки, бу жараёнда халқимиз маънавий ва маърифий мероси, қадриятларидан унумли ва самарали фойдаланишни тақозо этади.

Истиқлол, давлатнинг мустақиллигини кўлга киритиши тақдирнинг эҳсони эмас. У халқимизнинг ўн йилликлар давомида кўнглидаги орзу-армони, фидоий аждодларимизнинг қони ва жони эвазига келган буюк саодатдир. Агар биз истиқлолга масъул бўлсак, уни қадрласак, унинг айрим ўткинчи машаққатларига сабр этсак–келажак бизникидир.

Президентимиз ташаббуслари билан республика ҳукумати "Маънавият ва маърифат» республика марказини ташкил этиш ташаббускори ва ташкилотчиси бўлганлиги тарихий аҳамиятга молик ҳодиса. Марказ фаолияти ҳам давлат томонидан маблағ билан таъминланиб, ҳам ўзини ўзи қоплаш имконияти берилганлиги ва унга кенг имкониятлар очди. Айтиш мумкинки, "Маънавият ва маърифат» республика маркази бу имкониятлардан тўғри фойдалана билди ва бундан кейин ҳам бундай ҳолатлар бардавом бўлади.

Марказ асосий иш фаолиятини ёшларимизда ватанпарварлик ҳиссини шакллантиришга қаратган. Ватанга муҳаббат туйғуси шахснинг ахлоқий камолоти давомида аста-секинлик билан берилади. Ва у Ватан тақдири, ҳаёт ҳақидаги тасаввурларнинг кенгайиши билан мустаҳкамланади. Ватаннинг гўзаллигини ҳис этмасдан туриб унга муҳаббат туйғусини шакллантириб бўлмайди.

"Ватан" сўзи Она сўзи билан ҳамиша ёнма-ён келади. "Ватан" сўзидан қимматли калима йўқ. Ватанни англаш, Ватанга муҳаббат туйғуси инсоннинг юксак маънавий-маърифий фазилатидан келиб чиқади.

Истиқлол мафкурасининг асосларини яратиш, аввало, таълим-тарбия замини бўлган оила ва мактабгача тарбия муассасаларидан бошланади. Уларда тарбияланаётган ва мактабда ўқиётган болалар Ватан, жамият, халқ ҳақида муайян тасаввурга эга бўлишлари, уларнинг қалбида Ватан туйғуси, улуғ алломаларимиз ва улар қолдирган маънавий мерослар билан фахраланиш шаклланиши, ривож топиш керак. Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, "Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир". Ватанни энг олий неъмат деб билиш, кадрлаш, тупроғини кўзларга суртиб, тавоф этиш фарзандлик бурчимиздир.

Маърифатпарвар А.Авлоний Ватан туйғусини энг олий туйғулардан бири деб ҳисоблайди. Ватан дарди билан яшамоқ, унинг бахтидан қувонмоқ, фахрланмоқ муқаддас туйғу эканлигини тараннум этади. Қай бир инсоннинг қалбида Ватан туйғуси кучли бўлса, унинг соҳиби ватанпарвар бўлади.

Юксак тқйғулар қаторида "ватанпарварлик туйғуси" ўзининг алоҳида мавқеига эга бўлиб, қалб кўзи орқали инсоннинг онги шуурида шаклланади ва миллий тарбия орқали ривожланади.

Бугунги кунда халқимизнинг руҳиятини баланд кқтариш учун юртига, она-Ватанга чексиз муҳаббат туйғусини қалбида мужассам этган, дили пок, маърифатга ташна ёшларни тарбиялаш зиёлилар ва зиё маркази бўлган Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг биринчи даражали вазифаси ҳисобланади.

Марказ фаолиятининг самарадорлиги ҳар биримиз ва ҳар бир маънавият ва маърифатга алоқадор кишилар фаолиятига бевосита боғлиқдир. Келажаги порлоқ Ватанимизда озод ва обод, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш жараёнида барча маънавият ва маърифат вакиллари ва «Маънавият ва маърифат» марказининг саъй – ҳаракати муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. А. «Юксак маънавият-енгилмас куч» Т., «Ўзбекистон», 2008.

2. Каримов И. А. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура» Т., «Ўзбекистон», 1996, I жилд.
3. Каримов И. А. «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» Т., «Ўзбекистон», 1996, III жилд.
4. Каримов И. А. «Бунёдкорлик йўлида» Т., «Ўзбекистон» 1996, IV жилд.
5. Каримов И. А. «Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби» Т., «Ўзбекистон» 1997, V жилд.
6. Каримов И. А. «Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида» Т., «Ўзбекистон» 1998, VI жилд.
7. Каримов И. А. «Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз» Т., «Ўзбекистон», 1999, VII жилд.
8. Каримов И. А. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз» Т., «Ўзбекистон», 2000, VIII жилд.
9. Каримов И. А. «Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз» Т., «Ўзбекистон», 2001, IX жилд.
10. Каримов И. А. «Истиқлол ва маънавият». Т., 1994й.
11. Каримов И. А. «Маънавий юксалиш йўлида». Т., 1998й.
12. Каримов И. А. «Жамиятьимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин» Т., 1998й.
13. Каримов И. А. «Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир» Т., 2000й.
14. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» Т., 2000й.
15. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1998.
16. Жамиятни ислоҳ қилиш йўлида. Т., 1999.
17. Истиқлол йўли. Т.: «Ўзбекистон», 1995.
18. Маънавият куни. Тузувчилар Э. Набиев, Б. Саидов. ЎАБЖНТ маркази, 2004.
19. Маънавий-маърифий ислохотлар жамиятимизга қандай янгиликлар киритди? Мустақиллик Ўзбекистонга нима берди? Т.: ЎАЖБНТ маркази, 2000.

20. Отамуродов С. ва б. Маънавият асослари. Т., 1999.
21. Галаба – ёшлар ва маънавий баркамоллик, методик қўлланма. Т., ТошДУ босмахонаси, 1999.
22. Ҳасанбоев Ж., Туропова М., Ҳасанбоева О. Маънавий-ахлоқий тарбия асослари». Т., 2000.
23. Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг расмий сайти: www.press-service.uz
24. Мусурмонова О. Маънавий кадриятлар ва ёшлар тарбияси. Т., 1996.
25. Аъзамов Қ., Жумаев Ш. Маънавият ва маърифат иши. Т., 2005.
26. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 07.02.2017. “Халқ сўзи” газетаси 8-февраль 2017 йил, 1-2-бетлар.
27. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг таржимаи ҳоли ва дастури. -Т.: Ўзбекистон, 2016 йил.

ИЛОВАЛАР

Илова № 1.

«МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» ХОНАЛАРИНИ БЕЗАШ БЎЙИЧА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисидаги» ҳамда республика вазирлар Маъкамасининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази қошидаги «Олтин мерос» халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш» тўғрисидаги Фармони ва қарорларини ҳаётга татбиқ этиш ва тадбирларни амалга ошириш, ўқувчи ва талаб ёшларни юксак маънавиятли, комил инсон қилиб тарбиялаш мақсадида барча таълим муассасаларида «Маънавият ва маърифат» хоналари ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. «Маънавият ва маърифат» хоналари имкон даражасида алоҳида хоналарда ташкил этилиши мақсадга мувофиқ саналади.

Шундан келиб чиқиб, Республика таълим-тарбия муассасаларига бу борада методик ёрдам кўрсатиш мақсадида Республика Таълим Маркази қошидаги «Маънавият ва ққшимча таълим» бўлими «Маънавият ва маърифат» хоналарини ташкил этиш бўйича методик тавсиялар»ни ишлаб чиқди. Методик тавсиялар таълим-тарбия муассасалари маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарлари, синф раҳбарлари, тарбиячи ва кутубхона мудирлари учун мўлжалланган.

Ундан шароитдан келиб чиқиб, ижодий ёндашган ҳолда фойдаланиш тавсия этилади.

¹ Мазкур «Маънавият ва маърифат» хонасини безатиш бўйича методик тавсиялар Республика Таълим Маркази қошидаги Маънавият ва ққшимча таълим бўйича илмий-методик кенгашининг 1996 йил 26 декабрдаги йиғилишида чоп этишга тавсия этилган ва Ж. Ҳасанбоев М. Туропова, О. Ҳасанбоеваларнинг «Маънавий-ахлоқий тарбия асослари» (Тошкент -2000) китобларидан олинди.

1. Мазкур методик тавсияноманинг биринчи бўлими «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдар» деб аталади. Хонани безатувчи ким бўлишидан қатъий назар, у ўқитувчими, тарбиячими, ташкилотчи ва синф раҳбарими, бу бўлимда асосий урғуни тан тушунчасининг нақадар кенг ва улуғ, туганмас ва қудратли эканлигина қаратмоғи керак. Ватан бу кишининг туғилиб қсан юртигина эмас, балки кишининг имони, виждони, тили, дини, қолаверса, ўзлигидир. Ана шу боқий тушунчалар негизида мамлакатимиздаги ккҳна шаҳарлар – Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкентнинг таъриф-тавсифини келтириб ўтиш ниҳоятда ўринлидир. Бу бўлимда Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида тан олингани (1991 йил, 31 август), юртимиз харитаси, герби, байроғи, мадҳияси, Конституцияси ҳақидаги батафсил маълумотлар ўз ифодасини топмоғи керак.

2. «Ўзбекистон Республикасининг Президенти» деб аталувчи иккинчи бўлимда Республикамиз Президентининг таржимаи ҳоли, сурати, амалга ошираётган ишлари ккрсатилиш керак. И. Каримовнинг асарлари – маънавият дурдоналари. Демак, «Маънавият ва маърифат» хонасида албатта Президентнинг маънавиятга дахлдор асарлари жой олиши шарт. Шунингдек, турли йиғинларда сўзлаган нутқлари, у ҳақдаги асарлар ва мақолалар ҳам мазкур хонага мазмун ва руҳ бағишлайди.

3. «Маънавият – ҳаёт кўзгуси». Бу мавзу мазкур хонага энг катта ва чуқур мазмун бағишлашини таъкидлаб қтмоқ керак. Мазкур бўлимга маънавиятга дахлдор хужжатлар ққйилади. Масалан, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш» тўғрисидаги (1996 йил 9 сентябр) Фармони, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази қошида «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги (1999 йил 21 октябр) Қонуни тўғрисида маълумот берилади.

4. Маънавият – олий қадрият. Маънавиятимизнинг улкан алломалари бор экан, халқимизнинг маданияти, санъати, урф-одатлари такомиллашаверади. Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнаки, Мусо ал-Хоразмий,

Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур, Нодирабегим, Огаҳийлар маънавиятимизнинг ўлмас сиймолари. Тарикат ва фикр илмининг асосчилари ат-Термизий, Исмоил ал-Бухорий, Абдулхолик Гиждувоний, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд кабиларнинг ўғит-насихатларидан намуналар. «Қуръони Карим» ва Ҳадиси Шарифлардан келтирилган дурдона фикрлар ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтиришга ёрдам беради.

Тарихий миллий қаҳрамонларимиз – Тқмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Маҳмуд Горобий, Амир Темур ҳақида қисқа-қисқа маълумотлар келтириш мақсадга мувофиқдир.

Истиқлол учун курашган Бехбудий, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Чқлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий каби адиб ва олимларнинг суратларини чизиш ёки тайёр портретларини топиш⁸ ўқувчиларнинг мустақил юртимиз тарихи ва бугуни ҳақида тасаввурларини кенгайтиради.

Мазкур мавзуга ёндашганда халқимиз урф-одатларига ҳам алоҳида банд сифатида муносабат билдирилиши талаб қилинади. Ота-онага ҳурматда бўлиш, устознинг отадан улуғ эканлигини таъкидлаш, маҳалланинг тарбия қчоғи эканлигини мисоллар орқали тушунтирилади. Етти авлод шажарасини билиш. Байрам ва маросимлар зақида ҳикоя қилиш. Мустақилли, Наврўз, Конституция куни, Ийд Рамазон ва Ийд Қурбон ҳайитларига изоҳ бериш. Ниҳоят, тқй-тантаналар, уларнинг турлари шақида ҳам ҳикоя қилиб бериш лозим.

5. «Оила – маънавият асоси». Оилада ота-лнанинг алоҳида ўрни борлиги таъкидланади. Бола тарбияси ота-она зиммасидаги улкан масъулият. Аммо фарзандлик бурчи ҳақида ҳам гапириб ўтишни унутмаслик керак.

6. «Маънавият ва оммавий ахборот воситалари» мавзуи ҳам долзарб. Чунки бизнинг маънавий ҳаётимиз, аввало, вақтли матбуотда акс этади, кўринади. Бу бўлимда оммавий ахборот воситалари – газета, журнал, радио, телевидение ҳақида тўхталиб қтилади. Бинобарин, вақтли матбуотнинг инсон

маънавиятини шакллантиришдаги буюк хизматини тан олмай иложимиз йўқ. Мазкур мавзуга ёндошганда, Республикасида телевидение ва радиоэшиттиришларнинг нечта дастур асосида иш олиб бораётгани, қанча ва неча нусхада газета-журналлар чоп этилаётганини факт-рақамлар орқали кўрсатиб ўтиш тавсия қилинади.

Хуллас, «Маънавият ва маърифат хонасини қай даражада безатиш, ўзимизга, ўз маҳоратимиз ва изланишларимизга боғлиқ. Демак, излансак, ижодий ёндошсак, маънавиятни юксалтиришга ўзимизнинг камтарин ҳиссамизни ққшган бўламиз.

«Маънавият куни»да ўтказиладиган суҳбат, баҳс-мунозара, мулоқот ва учрашувларнинг тахминий мавзулари¹.

1. Маънавият тушунчаси.
2. Ватан туйғуси – муқаддас туйғу.
3. Маънавий қадриятларнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти.
4. Китоб – билим ва маънавият манбаи.
5. Меъморий обидаларимиз – маънавий бойлигимиз.
6. Аждодлар мероси – маънавиятимиз сарчашмаси.
7. Юксак маданият ва маънавият – жамият тараққиётининг пойдевори.
8. Истиқлол – буюк неъмат.
9. Конституция – бахтимиз пойдевори.
10. Маънавият ва ижтимоий адолат.
11. Халқ ижоди ва маънавий камолот.
12. Маънавият – миллат қиёфаси.
13. Ислом – маданият ва маърифат.
14. Исломда инсон қадри.
15. Ўзбекистон – буюк алломалар юрти.
16. Шарқ маданияти ва унинг хусусиятлари.
17. Оила – жамият негизи.
18. Миллий урф-одатлар ва замонавийлик.
19. Одам – олам сарвари.
20. Тил ва маданий меросимиз.

¹ Бу ва кейинги иловалар Э. Набиев ва Б. Саидовларнинг «Маънавият куни» услубий тавсиялар» китобидан олинган.

21. Ёшларнинг ахлоқий маданияти.
22. Ота-онага ҳурмат – олижаноб фазилят.
23. Мардлар кўриқлайди Ватанни.
24. Талабанинг маънавий қиёфаси.
25. Тарих – миллат маънавияти негизи.

Илова № 3.

Маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиладиган саналар:

- 1 январ – Янги йил байрами.
- 1 январ – Халқаро тинчлик куни (1968).
- 14 январ –Ватан ҳимоячилари куни (1993).
- 1 феврал – «Халқаро кураш ассоциацияси» ташкил топган кун (1999).
- 1 март – Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни.
- 1 март – Жаҳон фуқаро муҳофазаси куни (1972).
- 2 март–Ўзбекистоннинг БМТга аъзо бўлган куни (1992).
- 4 март – «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилган кун (1993).
- 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни (1910).
- 21 март – Наврўз умумхалқ байрами.
- 21 март – Бутунжаҳон шеърият куни (1999).
- 24 март – Ўзбекистонда Президентлик лавозими таъсис этилган ва биричи Президент сайланган кун (1990).
- 27 март – Халқаро театр куни (1961).
- 1 апрел – Кулги ва ҳазил куни.
- 7 апрел – Халқаро саломатлик куни (1948).
- 12 апрел – Космонавтика куни (1969).
- 18 апрел – Халқаро ёдгорлик ва тарихий жойларни асра куни (1983).
- 19 апрел – илм-фан куни (1979).
- 23 апрел – Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ташкил этилган кун (1994).
- 24 апрел – Халқаро ёшлар бирдамлик куни (1957).
- 25 апрел – «Камолот» ЁИХ тузилган кун (2001).

- 3 май – Жаҳон матбуот эркинлиги куни (1991).
- 9 май-Хотира ва кадрлаш куни (2001).
- 15 май-Халқаро оила куни.
- 31 май-Халқаро кашандаликка қарши кураш куни.
- 1 июн – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни (1949).
- 12 август – Халқаро ёшлар куни (1999).
- 31 август - Қатағон қурбонларини ёд этиш куни.
- 1 сентябр - Мустақиллик куни (1991).
- 8 сентябр – Халқаро саводхонлик куни.
- 10 сентябр – Халқаро тинчлик куни.
- 1 октябр – Ўқитувчи ва мураббийлар куни (1997).
- 5 октябр – Халқаро ўқитувчилар ва шифокорлар куни (1954, 1984).
- 21 октябр – Тил байрами (1989).
- 4 ноябр - ЮНЕСКО ташкил топган кун (1946).
- 17 ноябр – Халқаро талабалар куни (1941).
- 18 ноябр – Ўзбекистон Республикаси Далаат байроғи қабул қилинган кун (1991).
- 8 декабр – Конституция куни (1992).
- 10 декабр – Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун (1992).
- 10 декабр – Инсон ҳуқуқлари халқаро куни (1948).
- Рамазон Ҳайити куни.
- Қурбон Ҳайити куни.

МУНДАРИЖА

К и р и ш	3-6
1.1. Мустақиллик ва маънавият.	7-14
1.2. Ислом Каримов республика маънавият ва маърифат маркази ташкилотчиси.	15-21
2.1. Жамият ҳаётига маънавий-маърифий ишларни тадбиқ қилишда маънавият, маърифат, мафкура тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги.....	22-32
2.2. Маънавий-маърифий ишларни жамият ва ёшлар ҳаётидаги ўрни.	33-48
3.1. Республика маънавият-маърифат марказини мақсади ва вазифалари.....	49-59
3.2. Марказ фаолиятининг асосий соҳа ва йўналишлари.....	60-69
Хулоса.	70-73
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	74-75
Иловалар	76-82